БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 4 (19.080). • 1985 йил 5 январь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 40 йиллиги муносабати билан ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси Войцех Ярузельский ва ПХР Давлат Кенгашининг Раиси Генрик Яблоньскийга телеграмма йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади:

«Бу муҳим қарор мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда тарихий бурилишни бошлаб берди, совет ва поляк халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушди. Поляк меҳнаткашлари социализмни қатъий танлаб олганликлари туфайли СССР билан Польша ўртасида чинакам дўстона муносабатларни ўрнатиш мумкин бўлиб қолди, Совет Армияси, Польша Қўшини ва барча поляк ватанпарварлари гитлерчи босқинчиларга қарши биргаликда олиб борган курашнинг қонуниятли натижаси бўлди. Совет Иттифоқи халқаро майдондаги сиёсий курашнинг барча босқичларида мустақил демократик давлат бўлмиш Польшанинг адолатли чегараларда қайта тикланиши учун изчиллик билан курашиб келди.

Ўтган қирқ йил партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик ҳамда дўстликни актив ривожлантириш йиллари бўлди. Бу йўлда бизни марксча-ленинча идеологиянинг муштараклиги, сиёсий мақсадларнинг бирлиги ҳамиша бирлаштириб турди. Қардош халқларимизнинг ҳаётий манфаатларини СССР билан ПХР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома, социалистик давлатлар улуғ ҳамдўстлигига мансублик пухта таъминлаб келмоқда. Олий даражада эришилган шартномалар Совет Иттифоқи билан Польша Халқ республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг истиқболлар очади, биз ана шу шартномаларни амалга оширишни биринчи даражали вазифа, деб биламиз.

Мураккаб ва кескин халқаро вазият шароитида СССР ва ПХР бошқа қардош мамлакатлар билан бирга ядро уруши хавфига қарши, Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун актив кураш олиб бормоқдалар. Уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари ҳар қандай турдаги реваншчиларнинг Ялта ва Потсдам қарорларини ревизия қилиш ёки ҳатто йўққа чиқариш, иккинчи жаҳон уруши натижасида Европада таркиб топган территориал-сиёсий реалликларни бузиш йўлидаги уринишларига пухта ғов солади. Варшава Шартномаси, социализм мамлакатларининг бирлиги ва жипслиги бутун социалистик ҳамдўстлик давлатлари хавфсизлигининг, уларнинг чегаралари бузилмаслиги ва мустаҳкамлигининг ишончли гаровидир.

Бизнинг қалин баҳамжиҳат ҳаракатимиз қардош халқларимизнинг манфаатларига, ер юзида социализм ва тинчлик ишига бундан буён ҳам хизмат қилаверади, деб қатъий ишонч билдирамиз».

(ТАСС).

ИЖТИМОИЙ АКТИВЛИК

Коммунист зиммасида ишлаб чиқаришда авангард бўлиш, хизмат вазифасини адо этишда партиявий ибрат кўрсатишдан ташқари яна бир муҳим ва масъулиятли иш — партия топшириғи бор. КПСС аъзолари муваққат, доимий партия топшириқларини муваффақиятли бажариш учун куч-қувват, билим, тажриба ва вақтларини аямайдилар. Республика партия ташкилотларининг сайланма лавозимларида, совет, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларида минглаб коммунистлар фаол ишламоқда. Улар турли комиссиялар, ишчи группалари фаолиятида самарали қатнашаётирлар. Агитатор, пропагандист, лектор, сиёсий докладчи, деворий газета активистларининг улкан отряди партиянинг идеология соҳасидаги муҳим топшириқларини адо этмоқда. Бир сўз билан айтганда, партия топшириқларининг кўлами кенг ва хилма-хилдир.

КПСС XXV съезди номли Наманган машинасозлик заводида кўплаб ёшлар меҳнат қилаётир. Шу туфайли ҳам корхона бошланғич партия ташкилоти Р. Сиразеев, М. Убайдуллаев, А. Скворцов каби тажрибали, малакали коммунистларни мураббийлик ҳаракатига кенг жалб этаётир. Коммунистларнинг кундалик ғамхўрлиги, мураббийлиги туфайли бу йил 60 ёш ишчининг касб маҳорати оширилди, беш комсомол-ёш КПСС сафига қабул қилинди. Энг муҳими, мураббийлар ёшларда актив ҳаётий позицияни чиниқтирмоқдалар, уларга ижтимоий активликни оширишдан унутилмас сабоқ бермоқдалар.

Ижтимоий бурчни бажаришда намуна кўрсатиш, сиёсий ҳаётда актив қатнашиш — ҳар бир коммунистнинг КПСС Уставида ёзилган вазифасидир. Партия ташкилоти топшириғига кўра қолоқ участкаларга ўтиб ишлаб, бутун куч-ғайратини сифат ва самарадорликни оширишга қаратаётган фидокор коммунистларнинг номларини кўпгина келтириш мумкин. Икки марта Ленин ордени кавалери Ойша Жуманиёзова кўп йиллардан буён ўз партиявий бурчини виждонан бажариб келмоқда. Урганч районидаги «Пахтакор» колхозининг бригадири, меҳнатсевар, камтар ва ташаббускор бу коммунист эл ўртасида ёшлар мураббийси сифатида катта обрў қозонган. Гагарин районидаги Абдулла Набиев номли совхоз механизатори, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Ғулгил Жўраева, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, СССР Давлат мукофотининг лауреати Мавлуда Миразизова каби коммунистлар партия топшириқларини шараф билан уддаламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида коммунистларнинг ижтимоий активлиги, ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш партиянинг катта резервидир, деб таъкидланган эди. Кўпгина партия ташкилотлари меҳнат коллективлари ролини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган аниқ вазифаларни ҳал қилиш, партия интизомини мустаҳкамлашда коммунистлар активлигига таяниб иш кўраётирлар. Коммунистларга берилаётган партия топшириқлари қандай бажарилаётганлигини контрол қилиб боришда талабчанлик кучайди. Бу амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Партия ташкилотларининг серқирра фаолиятларидаги эришилаётган ютуқлар кўп жиҳатдан кучлар қандай тақсимланганлиги, ҳар бир коммунистнинг билими ва тажрибаси, қобилияти қанчалик мақсадга мувофиқ йўналтирилаётганлигига боғлиқ. Ҳаёт коммунистларнинг жамоат фаолиятларини тобора активлаштиришни талаб қилмоқда. Айниқса, бугунги кунда идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш масаласи актуалдир. Идеология фронтининг жангчилари — агитаторлар, пропагандистлар, лекторлар ўз фаолиятларини партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумларининг қарорлари асосида янада активлаштиришлари лозим.

Коммунист — етакчи, ташкилотчи бўлиш билан бирга тарбиячи ҳамдир. У, энг аввало, ўзининг ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида, маиший ҳаётдаги ташаббускорлиги, масъулияти, маънавий баркамоллиги билан оммага намуна бўлади. Республика партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида коллективни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашда коммунистларнинг шахсий намуна кўрсатишлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Уз- хулқ-атвори, ножўя хатти-ҳаракати билан партия ташкилотини обрўсизлантираётган, ишончни оқламаётган КПСС аъзолари фаолияти ленинча принципал позицияда туриб муҳокама қилинади.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси партия бюроси аъзоси А. Талейсник коммунистлар билдирган ишончни оқламади. У етакчилик қилаётган цех партия ташкилотининг фаолияти сусайиб кетди. Партия йиғилишлари ўз вақтида мунтазам ўтмади. Партия топшириғини бажаришга масъулиятсизлик билан ёндашган КПСС аъзоси А. Талейсник цех партия ташкилоти секретарлигига қайта сайланмади. Андижондаги «Коммунар» механика заводи ремонт-қурилиш участкасининг бошлиғи Ф. Абдукаримхўжаева ҳам партбюро аъзоси сифатида корхона ҳақи контроли группасига бошчилик қилиш топширилганди. Аммо у асосий иш билан бандлигини сабаб қилиб, партия топшириғини бажаришга жиддий ёндашмади, назоратчиларни заводда меҳнат за ишлаб чиқариш интизомининг бузилишига қарши курашга тўла сафарбар этмади, бу борада ўзи шахсий намуна кўрсатмади.

Бу фактлар айрим партия ташкилотлари партия, жамоат топшириқларини бажаришга эътиборсизлик билан қарайдиган коммунистлар билан ҳануз муросасозлик қилаётганлигини кўрсатади. Жойларда партия топшириғи бериш масаласига лоқайд қараш қоллари юз бермоқда. Баъзан ишчан, тадбиркор, билимдон коммунистларга устма-уст топшириқ берилаверади. Ёш КПСС аъзолари эса бамайлихотир юраверадилар. Партия ташкилотлари топшириқнинг барбод бўлишидан қўрқиб, уларга ҳеч қандай жиддий вазифа юкламайди. Бу нотўғри практика. В. И. Ленин уқтирганидек, «...ПАРТИЯНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ АЪЗОСИ ПАРТИЯ УЧУН ЖАВОБГАР ВА ПАРТИЯ ҲАР БИР ПАРТИЯ АЪЗОСИ УЧУН ЖАВОБГАРДИР». Шундай бўлгач, партия ташкилоти фаолиятида барча коммунистлар актив иштирок этишига эришиш лозим. КПСС аъзоларининг лаёқатига қараб, уларга аста-секин оддий топшириқлардан тортиб жиддий, масъулиятли вазифалар бериб боришга ўтиш керак. Топшириқлар қандай бажарилаётганлиги, партия ташкилотининг доимий контролида туриши, коммунистнинг муваффақияти билан табриклаб, хатоларини ўз вақтида кўрсатиб бориш катта аҳамиятга эга. Ёш коммунистлар шу йўл билан ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбияланадилар.

Партия Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездининг коммунистлар авангардлик ролини оширишга ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий турмушдаги активлигини ривожлантиришга доир қарорларини бажариш соҳасида Узбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг иши тўғрисидаги қарорида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари қарорларида ҳар бир партия аъзосининг актив ҳаётий позициясини мустаҳкамлашнинг зарур шарти бўлган бу масалага жиддий эътибор берилди. Партия комитетлари ва бюролари коммунистларни партия топшириқларини бажаришга чуқур масъулият билан, ижодий ёндашиш руҳида тарбиялашга эътиборни кучайтиришлари керак. Зеро, партия топшириқларининг изчил бажарилиши партия ташкилоти олдида турган муҳим вазифаларнинг муваффақиятли амалга ошишида алоҳида аҳамият касб этади.

Олдимизда беш йилликни муносиб якунлаш, экономикани интенсив ривожлантириш юзасидан партия белгилаб берган улуғвор вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко таъкидлаб ўтганидек, «ҲАР ҚАНДАЙ КАТТА ИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ ЭКОНОМИКАГА ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИК САВИЯСИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА, ОММА ОРАСИДАГИ ПАРТИЯВИЙ-СИЁСИЙ ИШНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КУЧАЙТИРИШГА БЕВОСИТА БОҒЛИҚ». Партия ташкилотлари бу вазифаларни амалга ошириш учун коммунистларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишлари, уларда ишнинг пировард натижаси учун масъулиятни ҳар томонлама кучайтиришлари лозим.

ЗАРБДОР ВАХТАДА

ХОРАЗМ. Боғот тўқимачилик фабрикаси ишга туширилди. 21-қурилиш трести бинокорлари объектни пландаги 36 ой ўрнига 16 ой ичида бунёд этиб, фойдаланишга топширдилар. Бухоро тўқимачилик комбинатининг филиали бўлган бу корхонада Ватанимизда ишлаб чиқарилган АТ-105-М тўқув станоклари ўрнатилган. Цехларни жиҳозлашда Москва области, Тошкент ва Бухоро шаҳарларининг мутахассислари иштирок этишди. Бу йил фабрикада 5 миллион метрга яқин маҳсулот тайёрланади.

Суратда: тўқувчи Малика Шомуродова станоклари моҳирлик билан бошқариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

ЯКДИЛЛИК БИЛАН ТЎЛА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Мамлакатда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловга тайёргарлик социалистик демократияни янада ривожлантириш, давлат ишларини бошқаришга гражданларни янада кўпроқ жалб этиш шиори остида ўтмоқда. Округ сайловолди кенгашлари бунинг ёрқин далилидир. Кенгашларнинг қатнашчилари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб, халқ депутатлари Советлари, меҳнат коллективлари, демократик системамизнинг барча бўғинлари эга бўлган кенг ҳуқуқларни янада тўла ва изчил рўёбга чиқариш тўғрисида батафсил гаплашиб олмоқдалар.

Меҳнат коллективларининг вакиллари жамиятни иқтисодий ва социал-сиёсий ривожлантириш борасидаги янги марраларга эришиш йўлларини муҳокама қила туриб, резервларни очиб ташламоқдалар, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилмоқдалар.

Москва шаҳар **Калинин** сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди йиғилиши тантанали вазиятда ўтди.

Бутуниттифоқ кабель саноати илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технология институтининг токари В. В. Скопцев минбарга чиқади.

— Биз, — деди у, — районимиз кўпгина меҳнат коллективларининг Коммунистик партия билан Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Ленин типидаги раҳбар, марксизм-ленинизм ғояларининг оташин тарғиботчиси, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун толмас курашчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Константин Устинович Черненкони РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорини ғоят маъқуллаб кутиб олдик.

Йиғилиш аҳли бу сўзларни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

У «Серп и Молот» металлургия заводининг пўлат эритувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. И. Коптев ҳам Москва шаҳар Калинин сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилганлигини маълум қилди ва йиғилиш аҳли шу номзодни қўллаб-қувватлашга даъват этди.

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ Электротехника институтининг сектор бошлиғи техника фанлари доктори В. А. Чванов, Клара Цеткин номли тажриба-техника фабрикаси партия комитетининг секретари Т. С. Долоберидзе, «Серп и Молот» заводининг директори В. А. Исаев, 115-болалар поликлиникасининг участка врачи Л. Ф. Егорова ва бошқалар бу таклифни қизғин қўллаб-қувватладилар. Улар партиянинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлигига жавобан москваликлар янада муваффақиятли, янада унумлироқ меҳнат қилиб, партия режаларини амалга оширишга қўшадиган ҳиссаларини кўпайтирадилар, дейишди.

Кенгаш қатнашчилари **Константин Устинович Черненко** ва **Вячеслав Иванович Коптев**га мурожаат қилиб, улардан пойтахтнинг Калинин сайлов округидан РСФСР Олий Советига овозга қўйилишга розилик беришларини илтимос қилдилар.

Москва область **Химки** сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг сайловолди кенгаши бўлди. Кенгашда «Путь к коммунизму» совхозидаги «Васутино» суттовар фермасининг бригадири Ю. С. Цуриченко сўзга чиқиб, округдаги бир қанча корхоналарнинг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришинни ҳамда Москва ёғоч қипиқ плиталар ва деталлар экспериментал заводи слесарлари бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати В. Н. Мошченковни РСФСР Олий Советига номзод этиб кўрсатганликларини айтди.

Кенгаш қатнашчилари шу номзодларни қўллаб-қувватладилар ва Химки сайлов округидан депутатликка овозга қўйилишга розилик беришларини илтимос қилиб, **Виктор Васильевич Гришин** билан **Владимир Николаевич Мошченков**га мурожаат қилдилар.

Москва область **Электросталь** сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг кенгашида «Электростальтяжмаш» заводининг йўнувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. М. Яригин шу корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецовни Россия Федерацияси давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод этиб кўрсатганликларини маълум қилди.

Сўзга чиққан кишилар бу таклифни бир овоздан маъқулладилар. Кенгаш иштирокчилари Электросталь сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўраб, **Василий Васильевич Кузнецов**га мурожаат қилдилар.

Москва область **Подольск шаҳар** сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг сайловолди кенгашида М. И. Калинин номли Подольск механика заводи слесарларининг бригадири, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Г. Семёнов сўзга чиқди. У корхона меҳнаткашлари ва бошқа коллективлар КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитоновни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганликларини айтди ва шу номзодни қўллаб-қувватлашга даъват қилди.

Йиғилиш аҳли бу таклифни маъқуллаб, Подольск шаҳар сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини илтимос қилиб, **Иван Васильевич Капитонов**га мурожаат қилди.

Владивостокда **Ленинск** сайлов округи меҳнат коллективлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

Республикада сайловолди йиғилишлари давом этмоқда. Бу йиғилишларнинг қатнашчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодларни кўрсатмоқдалар.

Андижон областида Жалолқудуқ районидаги Свердлов номли колхоз механизатори **Неъматжон Абдукаримов**, «Полвонтош» нефть конига ишлаб чиқариш хизмати кўрсатиш базасининг слесари **Мустафо Ғаффоров** республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзодлар этиб кўрсатилдилар.

Қашқадарё областида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишларида Қамаши районидаги Калинин номли колхоз аъзоси **Улкан Қурбоновна Тошмуродова**, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси **Шавкат Акмалхонов**, «Ленинизм» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи **Мавжуда Тошмуродова**, «Косон» совхозининг механизатори **Сирожиддин Сабриддинов** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар деб аталдилар.

Самарқанд областида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишларининг қатнашчилари Самарқанд пойабзал фабрикасининг шлифовкачиси **Лидия Андреевна Васильева**, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Александр Иванович Овчинников**, Иштихон районидаги Ильич номли колхоз бригадири **Ҳикоят Шамсиева**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатдилар.

Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари **Виктор Александрович Антонов**, Сирдарё ГРЭСининг электр монтери **Людмила Ивановна Воронова** Сирдарё областида бўлиб ўтган йиғилишларда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатилдилар.

Қорақалпоғистон АССРда бўлиб ўтган сайловолди йиғилишларида автоном республика Министрлар Советининг Раиси **Марат Жуманиёзович Юсупов**, У. Юсупов номли совхоз механизатори **Дамегул Есенбоевна Айбосинова** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатилдилар.

Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишларининг қатнашчилари Тошкентдаги «Қизил тонг» ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмасининг тикувчи-мотористи **Дилором Мажидовна Умарова**ни, Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг биринчи секретари **Юрий Асралович Асепкова**ни, «Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси **Ҳалима Тожибоевна Ражабова**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар этиб кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

ҚУҚОН СУТ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1985 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Сут заводининг коллективи партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулот реализация қилиш юзасидан ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили планини муваффақиятли равишда бажарди.

Завод коллективи КПСС XXVII съездини, совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабанинг 40 йиллигини, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, ўз зиммасига 1985 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан план муддатидан олдин, 18 декабрда бажарилади, пландан ташқари 150 минг сўмлик сут маҳсулоти реализация қилинади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 1,1 процент ортиғи билан адо этилади. Саноат ишлаб чиқаришининг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришилди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш тадбирлари амалга оширилди ва шу асосда маҳсулот таннархи планда белгиланганидан 0,6 процент арзонлаштирилади, планга қўшимча равишда 30 минг сўм фойда олинади.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни аниқ-пухта ташкил этиш, хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш учун ҳаракатни авж олдириб, тежалган хом ашё ва материаллар ҳисобига икки кун ишлаб берилади, 45 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Хом ашёдан оқилона фойдаланиш йўли билан сут ресурсларини 60 тонна кўпайтиришга эришилади.

50 минг киловатт-соат электр энергия, 250 гигакалорий иссиқлик энергияси тежалади.

Ходимларнинг ижодий активлиги оширилади, ишлаб чиқаришга рационализаторлик таклифларини жорий этиш жадаллаштирилади, шу таклифларни жорий этишдан 15 минг сўм миқдорида иқтисодий самара олинади.

Цехларни, бригадаларни бошқаришни такомиллаштириш, ишнинг пировард натижалари учун ишчи ва мутахассислар нинг ташаббуси ва масъулиятини янада ошириш иши давом эттирилади, ишлаётган кишиларнинг камида 80 процента меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасига жалб этилади, икки бригада хўжалик ҳисобида ишлашга ўтказилади.

Камида 170 киши ўқишнинг ҳар хил турларига тортилади, 50 ишчи, инженер-техник ходим тайёрланади ва малакаси оширилади.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 1985 йилги план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун бутун кучларини сарфлаб, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетини ишонтирадилар.

Социалистик мажбуриятлар завод коллективининг умумий йиғилишида қабул қилинган.

АНДИЖОН АВТОМОБИЛЬ КОМБИНАТИ 1-АВТОКОЛОННАСИ ҲАЙДОВЧИЛАРИ 2-БРИГАДАСИНИНГ 1985 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Андижон автомобиль комбинати ҳайдовчилари бригадасининг коллективи КПСС XXVII съездини, Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 40 йиллигини ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул этди:

автомобиллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор форма ва методларини жорий қилиш асосида юк ташиш йиллик плани 27 декабрда бажарилиши таъминланади. Пландан ташқари 75 минг тонна халқ хўжалик юклари ташиб берилади;

шартномавий мажбуриятларни ўз вақтида бажариш, юк ташишнинг оқилона маршрутларини жорий этиш, меҳнат ва материал ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисобига: автоколоннанинг рўйхатдаги ҳар бир ходими ҳисобига бажариладиган иш нормаси 2 процент кўпайишига эришилади;

автомобилларнинг йўлга чиқиш коэффициенти 0,79 га ва автомобилларнинг юк тортиш қувватидан фойдаланиш коэффициенти 2,3 га етказилади;

тежаб қолинган ёнилғи билан 3 кун ишлаб берилади ва 13 минг тонна юк ташилади, 134 минг тонна-километр иш бажарилади.

Иш вақтининг зое ўтишини қисқартириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини пландан ташқари камида 2 процент ошириш таъминланади.

Социалистик мажбуриятлар Андижон автомобиль комбинати 1-автоколоннаси ҳайдовчилари 2-бригадасининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

КЕЛГУСИ ҲОСИЛ УЧУН

● **«Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг Ленинск филиалида ишлаб чиқарила бошлаган трактор прицеплари пахтани қоп-қанорсиз ташишда ишлатилади.**

Бу ерда йилига етти ярим мингта трактор прицепи тайёрлаб чиқарилади. Бу модель аввалгисига нисбатан кўпроқ юк кўтара олади, пневмотормоз системаси эса анча такомиллаштирилган.

Ленинскдаги завод қурилиши давом этмоқда. Лойиҳага кўра, у йилига 60 мингта прицеп тайёрлаб чиқариб, Ўрта Осиё регионидаги ҳамма хўжаликларни таъминлаши керак.

Ёш корхона шаҳарнинг социал ҳаётига ҳам ўзгаришлар киритади. У беш ярим мингдан кўп кишини ишга жалб қилади. Бу кишиларнинг оилалари учун завод ёнида ҳар жиҳатдан қулай бўлган ишчилар шаҳарчаси қурилмоқда. Уй-жойлар, ётоқхона, болалар муассасаси, бошқа социал-маданий ва маиший объектлар фойдаланишга топширилмоқда

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ҚАРШИ, 4 январь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Қашқадарё область Советининг бугун бўлиб ўтган сессиясида КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ К. У. Черненко нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида область маҳаллий Советларининг вазифалари муҳокама этилди. Область ижроия комитетининг раиси Т. С. Сахатов доклад қилди.

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЯКДИЛЛИК БИЛАН ТЎЛА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

(Бошн биринчи бетда).

«Дальзавод» труба ётқизувчилари бригадири В. Н. Белотелов шу корхона коллективи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Давлат хавфсизлик комитетининг раиси В. М. Чебриковни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганлигини маълум қилди. У кенгаш қатнашчиларини шу таклифни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгаш иштирокчилари номзодни бир овоздан қўллаб-қувватладилар ва Ленинск сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришини илтимос қилиб, **Виктор Михайлович Чебриков**га мурожаат қилдилар.

Ставрополдаги автомобиль прицеплари заводи партия комитетининг секретари В. А. Богачев ва «Михайловское» тажриба хўжалигининг механизатори А. П. Конижев **Саноат** сайлов округидаги меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши қатнашчиларига бир қанча корхоналарнинг меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев билан «Михайловское» тажриба хўжалиги механизациялаштирилган звено бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Н. Кулешинни Россия Федерацияси давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзодлар этиб кўрсатганликларини маълум қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари **Михаил Сергеевич Горбачев** билан **Василий Николаевич Кулешин**га мурожаат этиб, Саноат сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини илтимос қилдилар.

Комсомольск-Амурда РСФСР Олий Советига сайлов ўтказувчи **Ленин** сайлов округига кирган жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг сайловолди кенгаши бўлди.

Ю. А. Гагарин номидаги авиация заводининг фрезерчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. П. Голега шу корхонанинг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Г. В. Романов билан электр монтажчи Г. П. Королевани РСФСР Олий Совети депутатлигига бир овоздан номзодлар этиб кўрсатишганлигини айтди ва шу номзодларни қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Кенгаш қатнашчилари **Григорий Васильевич Романов** билан **Галина Петровна Королева**дан Ленин сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини сўрашга қарор қилдилар.

Темирйўл сайлов округига кирган Воронеж меҳнаткашлари коллективлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлиб ўтди. «Электроника» бирлашмасининг слесари Н. А. Грязов шу округнинг бир қанча коллективлари КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимяниннинг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганлигини айтди. Нотиқ йиғилиш аҳлини шу номзодни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни маъқуллаб, Завод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўраб, **Борис Николаевич Пономарев**га мурожаат этдилар.

Свердловскдаги **Оржоникидзе** сайлов округи саноат корхоналари, ташкилотлар, ўқув юртлари коллективларининг вакиллари В. И. Ленин номидаги «Уралэлектротяжмаш» заводи маданият саройида округ сайловолди кенгашига йиғилдилар.

«Уралэлектротяжмаш» заводининг токари Н. И. Шевердин корхона меҳнаткашлари ўртоқ К. У. Черненко билан завод токари В. С. Шубинни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатганликларини маълум қилди.

Округ сайловолди кенгаши шу номзодларни қўллаб-қувватлаб, **Константин Устинович Черненко** билан **Владимир Семёнович Шубин**га Оржоникидзе сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини сўраб мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ульяновскда **Заволжский** сайлов округига кирган меҳнат коллективлари вакилларининг сайловолди кенгаши бўлди. «Главульяновскстрой»нинг 2-қурилиш-монтаж тресті партия комитетининг секретари И. Ф. Злобин шу трестнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников билан комплекс бригада бошлиғи, РСФСРда хизмат кўрсатган бинокор В. П. Катковни Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига номзодлар этиб кўрсатганликларини маълум қилди.

Кенгаш қатнашчилари **Егор Кузьмич Лигачев**га мурожаат этиб, Автозавод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўрашга қарор қилдилар.

Новолипецк сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгашида «Липецк трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Н. К. Загорский сўзга чиқиб, Липецкдаги бир қанча корхоналарнинг коллективлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгихни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганликларини маълум қилди. Нотиқ номзодни қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Кенгаш қатнашчилари **Владимир Иванович Долгих**га мурожаат қилиб, Новолипецк сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўрашга қарор бердилар.

Новосибирскда **Завод** сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари сайловолди кенгаши ўтказдилар. «Сибтекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари Ю. П. Попов шу корхонанинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижковни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганликларини айтди. Нотиқ ҳозир бўлган кишиларга мурожаат этиб, шу номзодни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгашда **Николай Иванович Рижков**дан Завод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришни сўрашга қарор қилинди.

Ростов-Донда **Пролетар** сайлов округи меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлиб ўтди. «Красний Аксай» культиватор заводининг йиғувчи-слесари Е. И. Черенков РСФСР қишлоқ хўжалик машинасозлари КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаковни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганликларини маълум қилди ва шу номзодни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни маъқуллаб, **Константин Викторович Русаков**га мурожаат қилиб, Пролетар сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришини сўрадилар.

Саратовдаги авиация заводининг маданият ва техника саройида **Завод** сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши ўтказилди.

Саратов авиация заводининг йўнувчи токари А. М. Иночкин йиғилиш аҳлига мурожаат этиб, корхона коллективи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономаревни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганлигини айтди. Нотиқ кенгаш қатнашчиларини шу номзодни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни маъқуллаб, Завод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўраб, **Борис Николаевич Пономарев**га мурожаат этдилар.

«Красное Сормово» заводи станкочиларининг бригадири Т. Г. Галинин **Сормово** сайлов округидаги округ сайловолди кенгашида Горький шаҳридаги Сормово районининг меҳнат коллективлари ўртоқ К. У. Черненко билан завод электр пайвандчиларининг бригадири Н. А. Шаринни бир овоздан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзодлар этиб кўрсатганликларини айтди.

Кенгаш қатнашчилари **Константин Устинович Черненко** билан **Николай Александрович Шаринни**нг Сормово сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзодлар этиб кўрсатганликларини бир овоздан қўллаб-қувватлаб, шу округдан овозга қўйилишга розилик беришларини улардан сўрашга қарор қилдилар.

Саратовдаги авиация заводининг йўнувчи токари А. М. Иночкин йиғилиш аҳлига мурожаат этиб, корхона коллективи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономаревни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганлигини айтди. Нотиқ кенгаш қатнашчиларини шу номзодни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни маъқуллаб, Завод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўраб, **Борис Николаевич Пономарев**га мурожаат этдилар.

Свердловскдаги **Оржоникидзе** сайлов округи саноат корхоналари, ташкилотлар, ўқув юртлари коллективларининг вакиллари В. И. Ленин номидаги «Уралэлектротяжмаш» заводи маданият саройида округ сайловолди кенгашига йиғилдилар.

«Уралэлектротяжмаш» заводининг токари Н. И. Шевердин корхона меҳнаткашлари ўртоқ К. У. Черненко билан завод токари В. С. Шубинни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатганликларини маълум қилди.

Округ сайловолди кенгаши шу номзодларни қўллаб-қувватлаб, **Константин Устинович Черненко** билан **Владимир Семёнович Шубин**га Оржоникидзе сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини сўраб мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ульяновскда **Заволжский** сайлов округига кирган меҳнат коллективлари вакилларининг сайловолди кенгаши бўлди. «Главульяновскстрой»нинг 2-қурилиш-монтаж тресті партия комитетининг секретари И. Ф. Злобин шу трестнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников билан комплекс бригада бошлиғи, РСФСРда хизмат кўрсатган бинокор В. П. Катковни Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига номзодлар этиб кўрсатганликларини маълум қилди.

Кенгаш қатнашчилари **Егор Кузьмич Лигачев**га мурожаат этиб, Автозавод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўрашга қарор қилдилар.

Новолипецк сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгашида «Липецк трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Н. К. Загорский сўзга чиқиб, Липецкдаги бир қанча корхоналарнинг коллективлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгихни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганликларини маълум қилди. Нотиқ номзодни қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Кенгаш қатнашчилари **Владимир Иванович Долгих**га мурожаат қилиб, Новолипецк сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўрашга қарор бердилар.

Новосибирскда **Завод** сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари сайловолди кенгаши ўтказдилар. «Сибтекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари Ю. П. Попов шу корхонанинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижковни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганликларини айтди. Нотиқ ҳозир бўлган кишиларга мурожаат этиб, шу номзодни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгашда **Николай Иванович Рижков**дан Завод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришни сўрашга қарор қилинди.

Ростов-Донда **Пролетар** сайлов округи меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлиб ўтди. «Красний Аксай» культиватор заводининг йиғувчи-слесари Е. И. Черенков РСФСР қишлоқ хўжалик машинасозлари КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаковни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганликларини маълум қилди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни маъқуллаб, **Константин Викторович Русаков**га мурожаат қилиб, Пролетар сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришини сўрадилар.

Саратовдаги авиация заводининг маданият ва техника саройида **Завод** сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши ўтказилди.

Саратов авиация заводининг йўнувчи токари А. М. Иночкин йиғилиш аҳлига мурожаат этиб, корхона коллективи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономаревни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганлигини айтди. Нотиқ кенгаш қатнашчиларини шу номзодни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни маъқуллаб, Завод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўраб, **Борис Николаевич Пономарев**га мурожаат этдилар.

Свердловскдаги **Оржоникидзе** сайлов округи саноат корхоналари, ташкилотлар, ўқув юртлари коллективларининг вакиллари В. И. Ленин номидаги «Уралэлектротяжмаш» заводи маданият саройида округ сайловолди кенгашига йиғилдилар.

«Уралэлектротяжмаш» заводининг токари Н. И. Шевердин корхона меҳнаткашлари ўртоқ К. У. Черненко билан завод токари В. С. Шубинни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатганликларини маълум қилди.

Округ сайловолди кенгаши шу номзодларни қўллаб-қувватлаб, **Константин Устинович Черненко** билан **Владимир Семёнович Шубин**га Оржоникидзе сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини сўраб мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ульяновскда **Заволжский** сайлов округига кирган меҳнат коллективлари вакилларининг сайловолди кенгаши бўлди. «Главульяновскстрой»нинг 2-қурилиш-монтаж тресті партия комитетининг секретари И. Ф. Злобин шу трестнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников билан комплекс бригада бошлиғи, РСФСРда хизмат кўрсатган бинокор В. П. Катковни Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига номзодлар этиб кўрсатганликларини маълум қилди.

Кенгаш қатнашчилари **Егор Кузьмич Лигачев**га мурожаат этиб, Автозавод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўрашга қарор қилдилар.

Новолипецк сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгашида «Липецк трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Н. К. Загорский сўзга чиқиб, Липецкдаги бир қанча корхоналарнинг коллективлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгихни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганликларини маълум қилди. Нотиқ номзодни қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Кенгаш қатнашчилари **Владимир Иванович Долгих**га мурожаат қилиб, Новолипецк сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўрашга қарор бердилар.

Новосибирскда **Завод** сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари сайловолди кенгаши ўтказдилар. «Сибтекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари Ю. П. Попов шу корхонанинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижковни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганликларини айтди. Нотиқ ҳозир бўлган кишиларга мурожаат этиб, шу номзодни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгашда **Николай Иванович Рижков**дан Завод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришни сўрашга қарор қилинди.

Ростов-Донда **Пролетар** сайлов округи меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлиб ўтди. «Красний Аксай» культиватор заводининг йиғувчи-слесари Е. И. Черенков РСФСР қишлоқ хўжалик машинасозлари КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаковни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганликларини маълум қилди ва шу номзодни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни маъқуллаб, **Константин Викторович Русаков**га мурожаат қилиб, Пролетар сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришини сўрадилар.

Саратовдаги авиация заводининг маданият ва техника саройида **Завод** сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши ўтказилди.

Саратов авиация заводининг йўнувчи токари А. М. Иночкин йиғилиш аҳлига мурожаат этиб, корхона коллективи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономаревни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганлигини айтди. Нотиқ кенгаш қатнашчиларини шу номзодни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни маъқуллаб, Завод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўраб, **Борис Николаевич Пономарев**га мурожаат этдилар.

Свердловскдаги **Оржоникидзе** сайлов округи саноат корхоналари, ташкилотлар, ўқув юртлари коллективларининг вакиллари В. И. Ленин номидаги «Уралэлектротяжмаш» заводи маданият саройида округ сайловолди кенгашига йиғилдилар.

«Уралэлектротяжмаш» заводининг токари Н. И. Шевердин корхона меҳнаткашлари ўртоқ К. У. Черненко билан завод токари В. С. Шубинни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатганликларини маълум қилди.

Округ сайловолди кенгаши шу номзодларни қўллаб-қувватлаб, **Константин Устинович Черненко** билан **Владимир Семёнович Шубин**га Оржоникидзе сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини сўраб мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ульяновскда **Заволжский** сайлов округига кирган меҳнат коллективлари вакилларининг сайловолди кенгаши бўлди. «Главульяновскстрой»нинг 2-қурилиш-монтаж тресті партия комитетининг секретари И. Ф. Злобин шу трестнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников билан комплекс бригада бошлиғи, РСФСРда хизмат кўрсатган бинокор В. П. Катковни Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига номзодлар этиб кўрсатганликларини маълум қилди.

Кенгаш қатнашчилари **Егор Кузьмич Лигачев**га мурожаат этиб, Автозавод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга

талий Иванович Воротников билан **Виталий Петрович Катков**га мурожаат этиб, Заволжский сайлов округидан республика давлат ҳокимияти олий органига овозга қўйилишлари учун розилик беришларини сўрадилар.

Ярославлдаги сиёсий маориф уйида **Киров** сайлов округи составига кирган меҳнаткашлар коллективлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлди.

Ф. Г. Волков номидаги академик театрнинг бош режиссёри РСФСР халқ артисти Г. Б. Дроздов йиғилиш аҳлига мурожаат этиб, театр коллективи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичевни Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганлигини айтди ва шу номзодни қўллаб-қувватлашни таклиф қилди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни қўллаб-қувватладилар ва **Петр Нилович Демичев**га мурожаат этиб, Киров сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришини сўради.

Махачқалада **Ленин** сайлов округи меҳнаткашлар вакилларининг сайловолди кенгаши бўлди.

Махачқала шиша толаси заводининг оператори П. П. Мироненконинг маълум қилишича, корхона коллективи ўртоқ К. У. Черненко билан тўқувчи З. С. Штанчаевани РСФСР Олий Совети депутатлигига бир овоздан номзодлар қилиб кўрсатди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни қизғин қўллаб-қувватладилар ва **Константин Устинович Черненко** билан **Зинат Сейфиддиновна Штанчаева**га мурожаат этиб, Ленин сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини сўрадилар.

Коминтерн сайлов округига кирувчи Днепропетровск область меҳнат коллективлари вакилларининг сайловолди кенгаши бўлди. Кривой-Рог марказий кон бойитиш комбинатининг экскаватор машинисти Ю. Ф. Скляр бундай деди: комбинатимиз ва партия XX съезди номидаги руда бошқармасининг «Юбилейная» шахтаси коллективлари Украина ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов билан пармаловчилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Н. Довгаль номзодларини кўрсатдилар.

Кенгаш иштирокчилари **Николай Александрович Тихонов** билан **Владимир Никитович Довгал**га Коминтерн сайлов округидан Украина ССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини сўраб мурожаат этдилар.

Черкасси область **Жашков** сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлиб ўтди. Березино қанд комбинати совхозининг бош агрономи И. Н. Лисовойнинг маълум қилишича, шу корхонанинг ва Суворов номли колхознинг коллективлари Украина ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий билан Суворов номли колхоз механизациялашган звеносининг бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Н. Парубка номзодларини кўрсатдилар.

Кенгаш қатнашчилари Жашков сайлов округидан Украина ССР Олий Советига овозга қўйилишга розилик беришларини сўраб, **Владимир Васильевич Щербицкий** билан **Емельян Никонович Парубка**га мурожаат қилдилар.

Минскдаги «Интеграл» бирлашмаси парткомининг секретари Н. Е. Пацкевич **Октябрь** сайлов округи жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг округ сайловолди кенгашида сўзга чиқиб, бу коллектив ўртоқ К. У. Черненко билан бирлашма гальваникачи Т. М. Безручкони Белоруссия ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатганини маълум қилди. Нотиқ кенгаш аҳлини шу номзодларни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгаш иштирокчилари бу таклифни бир овоздан маъқулладилар ҳамда **Константин Устинович Черненко** билан **Тамара Михайловна Безручко**га мурожаат қилиб, Октябрь сайлов округидан Белоруссия ССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини сўрадилар.

4 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Тошкент шаҳар 48-Горький сайлов округи меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг сайловолди кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни Ҳамза

талий Иванович Воротников билан **Виталий Петрович Катков**га мурожаат этиб, Заволжский сайлов округидан республика давлат ҳокимияти олий органига овозга қўйилишлари учун розилик беришларини сўрадилар.

Ярославлдаги сиёсий маориф уйида **Киров** сайлов округи составига кирган меҳнаткашлар коллективлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлди.

Ф. Г. Волков номидаги академик театрнинг бош режиссёри РСФСР халқ артисти Г. Б. Дроздов йиғилиш аҳлига мурожаат этиб, театр коллективи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичевни Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганлигини айтди ва шу номзодни қўллаб-қувватлашни таклиф қилди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни қўллаб-қувватладилар ва **Петр Нилович Демичев**га мурожаат этиб, Киров сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришини сўради.

Махачқалада **Ленин** сайлов округи меҳнаткашлар вакилларининг сайловолди кенгаши бўлди.

Махачқала шиша толаси заводининг оператори П. П. Мироненконинг маълум қилишича, корхона коллективи ўртоқ К. У. Черненко билан тўқувчи З. С. Штанчаевани РСФСР Олий Совети депутатлигига бир овоздан номзодлар қилиб кўрсатди.

Кенгаш қатнашчилари бу таклифни қизғин қўллаб-қувватладилар ва **Константин Устинович Черненко** билан **Зинат Сейфиддиновна Штанчаева**га мурожаат этиб, Ленин сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини сўрадилар.

Коминтерн сайлов округига кирувчи Днепропетровск область меҳнат коллективлари вакилларининг сайловолди кенгаши бўлди. Кривой-Рог марказий кон бойитиш комбинатининг экскаватор машинисти Ю. Ф. Скляр бундай деди: комбинатимиз ва партия XX съезди номидаги руда бошқармасининг «Юбилейная» шахтаси коллективлари Украина ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов билан пармаловчилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Н. Довгаль номзодларини кўрсатдилар.

Кенгаш иштирокчилари **Николай Александрович Тихонов** билан **Владимир Никитович Довгал**га Коминтерн сайлов округидан Украина ССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини сўраб мурожаат этдилар.

Черкасси область **Жашков** сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлиб ўтди. Березино қанд комбинати совхозининг бош агрономи И. Н. Лисовойнинг маълум қилишича, шу корхонанинг ва Суворов номли колхознинг коллективлари Украина ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий билан Суворов номли колхоз механизациялашган звеносининг бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Н. Парубка номзодларини кўрсатдилар.

Кенгаш қатнашчилари Жашков сайлов округидан Украина ССР Олий Советига овозга қўйилишга розилик беришларини сўраб, **Владимир Васильевич Щербицкий** билан **Емельян Никонович Парубка**га мурожаат қилдилар.

Минскдаги «Интеграл» бирлашмаси парткомининг секретари Н. Е. Пацкевич **Октябрь** сайлов округи жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг округ сайловолди кенгашида сўзга чиқиб, бу коллектив ўртоқ К. У. Черненко билан бирлашма гальваникачи Т. М. Безручкони Белоруссия ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатганини маълум қилди. Нотиқ кенгаш аҳлини шу номзодларни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгаш иштирокчилари бу таклифни бир овоздан маъқулладилар ҳамда **Константин Устинович Черненко** билан **Тамара Михайловна Безручко**га мурожаат қилиб, Октябрь сайлов округидан Белоруссия ССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини сўрадилар.

4 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Тошкент шаҳар 48-Горький сайлов округи меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг сайловолди кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни Ҳамза

районпартия комитетининг иккинчи секретари А. Н. Ефимов очди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчилар бригадири И. М. Басанец минбарга чиқади. Бирлашмамиз меҳнатчилари, деди у, Коммунистик партия билан Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Ленин типидаги раҳбар, марксизм-ленинизм ғояларининг оташин пропагандисти, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненкони Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига яқдиллик билан ўз номзоди, деб атадилар.

Омманинг раҳбари ва ташкилотчиси сифатидаги ажойиб фазилатлари туфайли ўртоқ К. У. Черненко мамлакатимиздагина эмас, шу билан бирга чет элларда ҳам жуда катта обрў-эътиборга сазовор бўлди, деб таъкидлади авиасозлар коллективининг вакили. Сўнгра нотиқ самолётсозлар ўз сайловолди йиғилишида йиғувчи-слесарь, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрилла Маннаповни республика Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга ҳам қарор қилганликларини айтди. Ишга новаторларча ёндашганлиги туфайли у икки шахсий беш йиллик планини бажарай, деб қолди. Мана бир неча чақириқдан буён Н. Маннопов республика Олий Совети депутати вазифаларини муносиб равишда адо этмоқда, катта партиявий иш олиб бормоқда. И. М. Басанец округ меҳнатчиларини кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кенгашда ёғ-мой комбинати партия ташкилотининг секретари С. Р. Убайдуллаев, Электр монтаж буюмлари заводининг директори В. И. Подольский, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалигини электрлаштириш илмий-тадқиқот лойиҳа институти Ўрта Осиё бўлими касаба союз комитетининг раиси А. А. Қориев, 212-мактаб ўқитувчиси Н. В. Мотовилина, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг разметкачиси М. М. Муҳамедгалиева сўзга чиқдилар. Улар номзодларнинг депутатликка кўрсатилишини ўз коллективлари номидан астойдил маъқуллаб, округ меҳнатчилари КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини сидқидилдан маъқуллайдилар, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини зарбдор меҳнатлари билан бажаришга, Ватанимизни янада гуллаб-яшнатишга ва қудратлироқ қилишга интилаётганликларини айтдилар. Ишлаб чиқариш коллективларида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа кун сайин кенгайиб бормоқда, деб таъкидлашди нотиқлар.

Округ кенгашининг қатнашчилари **Константин Устинович Черненко** билан **Назрилла Маннаповни** 48-Горький сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатиш тўғрисида сайловолди йиғилишларининг қарорларини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, шу округдан овозга қўйилишга розилик беришни улардан илтимос қилдилар.

Усть-Каменогорскдаги **Октябрь** сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг сайловолди кенгашида «Казмонтажавтоматика» бошқармасининг бошлиғи М. А. Семёнов сўзга чиқди. «Алтайсвинецстрой» ва «Востокстроймеханизация» трестларининг меҳнаткашлари, деди у, Қозоғистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев билан «Заводстрой» бошқармаси бетончи дурадгорлар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. А. Марченкони кўрсатдилар.

Нотиқ бу номзодларни қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Кенгаш **Динмуҳаммад Аҳмедович Кунаев** билан **Михаил Аверьянович Марченко**га Октябрь сайлов округидан Қозоғистон ССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришларини сўрашга қарор қилди.

Рухи сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг сайловолди кенгашида сўзга чиққан Рухи қишлоғидаги «Сакартвело» колхозининг чойкори И. О. Парцвания хўжалик коллективи Грузия ССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе номзодини кўрсатганлигини маълум қилиб, кенгаш қатнашчиларини шу номзодни

районпартия комитетининг иккинчи секретари А. Н. Ефимов очди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчилар бригадири И. М. Басанец минбарга чиқади. Бирлашмамиз меҳнатчилари, деди у, Коммунистик партия билан Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Ленин типидаги раҳбар, марксизм-ленинизм ғояларининг оташин пропагандисти, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненкони Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига яқдиллик билан ўз номзоди, деб атадилар.

Омманинг раҳбари ва ташкилотчиси сифатидаги ажойиб фазилатлари туфайли ўртоқ К. У. Черненко мамлакатимиздагина эмас, шу билан бирга чет элларда ҳам жуда катта обрў-эътиборга сазовор бўлди, деб таъкидлади авиасозлар коллективининг вакили. Сўнгра нотиқ самолётсозлар ўз сайловолди йиғилишида йиғувчи-слесарь,

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ (1984 йил) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА

ЕРГА ҒАМХЎРЛИК—ЭЛГА ҒАМХЎРЛИК

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1984 йил) Пленуми қарорларини совхозимиз коллективи зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олди. Унда баён этилган фикрларни, партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг нутқида баён этилган хулосалар ва йўл-йўриқларни ўзларининг фаолияти учун жанговар программа сифатида қабул қилди. Ерларни мелиорациялаш, деҳқон ибораси билан айтганда, уни турли касалликлар ва жароҳатлардан халос этиш, дардига дармон топиш, унумдорлиги ва ҳосилдорлигини кўтариш керак. Она-ер нималарни беришга қодир бўлса, мелиорациялаш ва бошқа агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб, ҳаммасини ола билиш, она-Ватанга армуғон этиш деҳқонларнинг муқаддас бурчидир.

СОВХОЗИМИЗ Ёзёвон чўлининг қоқ ўртасига жойлашган. Умумий ер майдонининг 34,2 проценти ўта кучли шўрланган, 37,7 проценти ўртача шўрланган ерлардан иборат. 19,1 процентини эса кўчма қумлар ташкил этади. Совхоз территориясини катта ва кичик зовурлар қоплаб олган. Уларни ҳар йили тозалаб, чуқурлаштириб турилмаса, ер ости суви юқорига кўтарилиб, тупроқнинг шўрланиши янада кучаяди, ҳосилдорлиги эса пасаяди. Мелиорацияга эътибор озгина сусайтирилганда ҳам қишлоқ хўжалик экинларининг барча турларидан, шу жумладан чорва моллар учун озуқабоп экинлардан кутилганча ҳосил олиб бўлмайди.

Биз шуни инобатга олиб, ҳар йили ерларни капитал текислашнинг ўзига 287 минг сўм атрофида маблағ сарфлаймиз. Маълумки, ер нечоғли текис бўлса, кўчатлар шунча бир хил қалинликда ўсади ва ҳосил тўплаши тезлашади. Ер ости сувлари камайтириб борилиши билан бир вақтда мелиорация тадбирларини ҳам сифатли қилиб амалга оширамиз.

Совхозимиз территориясида иҳота дарахтлари жуда кам. Бу ғўза ва бошқа экинлар ўстиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар йили 500 гектардан кўпроқ майдондаги экинлар шамолдан зарар кўради. Маълумки, деҳқончиликда ҳосил ҳар тўп ниҳолдан олинади. Шундай экан, вазифа мелиорация ишларини амалга ошириш билан бир қаторда экинзорларнинг четларига кўплаб иҳота дарахтлари ўтқазиш, улар сонини мунтазам кўпайтириб боришдан иборатдир. Биз ана шу мақсад учун ҳар йили 30—35 минг сўм атрофида маблағ сарфлаймиз.

Яна бир муҳим масала шуки, ҳар бир хўжалик суғориш иншоотлари ва сув миқдорини ҳисобга олиб, уни барча майдонларга баравар тақсимлаш чораларини кўриши керак. Шунда сув тақчиллигига учрамайди. Биз хўжалигимиз территориясидан ўтадиган сув иншоотларига ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган лабгардонлар, дамбалар ва бошқа сув тақсимлагич системалар ўрнатганмиз. Пленум қарорларини амалга ошириш ҳақида гап борар экан, ҳамма жойда ана шундай чоралар кўрилишини маъқул деб ҳисоблаймиз.

Совхозимизда мелиорация ишларига алоҳида эътибор берилаётир. Шу сабабли пахта ҳосилдорлиги йилдан йилга кўтарилмоқда. Пахтакорларимиз 1984 йилда она-Ватанга 8450 тонна ёки пландагидан 1030 тонна кўп «оқ олтин» етказиб бердилар. Ялпи ҳосилнинг катта қисми машиналарда териб олинди. Зовурлар ва коллекторлар вақтида чуқурлаштириб турилмаганда, шўр ювиш сифатли қилиб ўтказилмаганда бундай муваффақиятга эришиш амри маҳол эди.

Совхозимиз бўйича 31 та пахтачилик бригадасидан иккитаси ҳосилдорликни 40 центнердан оширди. Қолганлари эса 25—30 центнерлик ҳосил маррасини эгалладилар, холос. Нега бундай бўлди. Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, нисбатан паст ҳосилли бригадаларнинг ерлари қайта шўрланиб қолмоқда. Бунга сабаб тоза оқар сувнинг камлигидир. Ғўзалар қийғос ҳосилга кириб, обиҳаётга ташна бўлган кезларда оқар сув камайиб қолади. Натижада зовур сувларидан фойдаланишга мажбур бўламиз. Бу эса ерларнинг шўрланишига олиб келади.

Совхозимизнинг «Партия XXII съезди» ва «Йўлдошобод» бўлимлари бундан 8—9 йил илгари қолоқликка тушиб қолди. Пахта тайёрлаш планлари бажарилмади. Маълум бўлишича, ана шу бўлимларда ҳам юқоридагидек ачинарли аҳвол юз берган. Район партия ва совет ташкилотлари, агросаноат бирлашмаси раҳбарларининг ёрдами билан оператив чоралар кўрилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди. Суғориш тартибга солинди. Сув исрофгарчилигига йўл қўйилмайдиган бўлди. Хуллас, кейинги йилларда ана шу бўлимлар пахта ҳосилдорлигида пешқадам ўринларни эгаллади. Коммунист Иброҳимжон Эргашев бошлиқ бригадада эса ҳосилдорлик гектар ҳосибига 32 центнердан 43 центнерга кўтарилди. Турғунбой Ваҳобов, Зубайда Исломова, Аҳмаджон Шокировлар бошчилик қилаётган чўлқувар бригадаларда ҳам ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда.

Пленум қарорларини муҳокама қилар эканмиз, галдаги вазифаларимизни конкрет тарзда белгилаб олдик. Ўн биринчи беш йиллик бошидан буён 470 гектар ер карталаштирилиб, капитал планировка қилинган бўлса, беш йиллик охиригача яна шунча майдонда ана шундай тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Мелиорация иншоотларини тартибга солиш натижасида қўшимча 37 гектар ерга эга бўлдик. Демоқчимизки, барча хўжаликларда сув иншоотларини тартибга келтириш, зовурлар ва коллекторларни йилига икки марта тозалаб, чуқурлаштириб туришни одат тусига киритиш керак.

Чўлқуварларимиз ҳар томчи сувни зарга тенг биладилар. Ундан тежаб-тергаб фойдаланиш учун курашадилар. Шу мақсадда иншоотларни бетонлаштирмоқдалар. Лекин, бу борада жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётир. Мисол учун, Оқтепа ариғини бетонлаштиришни олайлик. Агар ана шу сув йўли бетон «тўн» кийса, «Ленин йўли» бўлими катта оқар сув запасига эга бўлади. Шубҳасиз, пахта ҳосилдорлиги кўтарилади. Бу объектнинг узунлиги 10 километрдан иборат. Сув йўлини бетонлаштиришни «Ферганаводстрой» трестига қарашли 2-механизациялашган кўчма колонна ўз зиммасига олган. Афсусланарли жойи шуки, ўтган беш йил давомида эндигина 2,7 километр масофага бетон ётқизилди, холос. Кўчма колонна раҳбарлари лойиҳага беш марта ўзгартиш киритдилар. Лекин, ҳамон муқим бир қарорга келганлари йўқ. Совхозимизнинг айрим бўлимларида эса ерлар тобора шўрланиб бормоқда.

Иккинчи муҳим масала—«Правобережний» ариғини ҳам бетонлаштиришимиз зарур. Бу билан Ёзёвон шароитида анчагина сувни тежаб қоламиз. Бошқачасига айтганда, 1500 гектар майдондаги қишлоқ хўжалик экинларини сув билан таъминлаш имкониятига эга бўламиз. Совхозимизнинг 1-бўлимида 230 гектарли майдонни кесиб ўтган коллекторлар системасини қайта қуриб чиқишимиз зарур. Дахлдор ташкилотларнинг раҳбарлари ана шундай улкан ишларни амалга оширишда бизга етарлича ёрдам бермаётирлар. Ўйлаймизки, область ва республиканинг дахлдор ташкилотлари раҳбарлари КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорларидан тегишли хулоса чиқариб, Ёзёвон чўлларини ўзлаштираётган ва тобора кўпроқ пахта, турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираётган хўжаликларга амалий ёрдамни кучайтирадилар. Биз ўз навбатида изимизидаги имкониятларни мелиорация ишларини кучайтиришга сафарбар этиб, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошираверамиз.

М. ТЕШАБОЕВ,
Фарғона область, Ёзёвон районидаги «Ёзёвон» совхозининг директори.

● РИБНИЦА
Молдавия ССРдаги цементшифер комбинатида ўтган йили топшириқдан ташқари анча кўп қувур тайёрланди. Корхона бу қувурларни республика мелиораторларига жўнатиб бўлди. Коллектив тиғиз социалистик мажбуриятларни қарийб икки баравар қилиб адо этди. Корхона коллективи шу кунларда яна ҳам шижоат билан меҳнат қилмоқда.

● ОДЕССА
Одессанинг энг кўҳна ва кўркам кўчаларидан бири Пушкин кўчасининг дастлабки қисмаси тикланди. Реставрациядан сўнг очиқ ҳаводаги ўзига хос музейга айланган кўча шаҳар аҳолиси ва меҳмонларини экскурсияга таклиф этди. Машҳур магистрал Одесса эски қисмини таъмир этиш бош планига мувофиқ янгиланди. Бу ишларни 1994 йил — Қора денгиз соҳилидаги шонли шаҳарнинг 200 йиллигигача биткизиш мўлжалланади.

● МОЗИР
Гомель областидаги озуқа ачитқиси заводининг иккинчи навбати ишга туширилди. Эндиликда корхона ҳар йили ўнлаб минг тонна биологик актив концентрат бериб туради. Бу концентрат миллион тонна чамаси ем-хашак ўрнига ўтади.

(ТАСС).

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

ТОКАЙГАЧА ЖАРИМА ТЎЛАЙСИЗ?

Маҳсулот етиштириш ҳажмини муттасил кўпайтириш билан бирга, халқ истеъмоли молларининг сифатини яхшилаш — беш йилликнинг шиори, давр талабидир. Саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг кўпчилиги истеъмолчиларга манзур бўляпти. Талайгина ассортиментдаги кийим-кечак, маданий моллар ва рўзғор буюмларига давлат Сифат белгиси берилган.

Сифатсиз маҳсулот — корхона шаънига иснод. Брак молнинг бозори касодга учраши аниқ. Чунки ҳозирги харидорнинг диди юксак, у мол танлашни яхши биладиг, қусурли-нуқсонли, кўнглига ёқмаган нарсага пул бермайди. Афсуски, баъзи корхоналарнинг раҳбарлари бу оддий ҳақиқат билан ҳисоблашмаётирлар, бракнинг кўпайишига йўл қўймоқдалар, натижада улгуржи савдо базаларига катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлмоқдалар.

Урганч улгуржи савдо базасида ўтган йили саноат корхоналаридан олинган бир миллион сўмликдан зиёд маҳсулот брак қилиниб, айбдор корхоналар гарданига қарийб 170 минг сўм жарима солинди.

Бу ҳазилакам рақам эмас. Брак— истеъмолчилар кўнглини ранжитибгина қолмай, корхоналарда ишлаб чиқариш рентабеллигига ҳам салбий таъсир этмоқда.

Жиддий эътирозларга қарамай, шартнома мажбуриятларининг бузилишига йўл қўйиб келаётган айрим саноат корхоналари адресларини айтиб ўтамиз. Бракчилар рўйхатида олдинги ўринлардан бирини Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси эгаллайди. 153 минг сўмлик маҳсулот яроқсиз деб топилиб, бирлашмага қайтарилганлиги сўзимизнинг далили бўла олади. Ёқаси қийшиқ тикилган, чоки сўкилган аёллар пальтоси, бир енги узун, бир енги қисқа, эгни эгри-бугри эркаклар костюми, мактаб формалари ва бошқа кийим-кечакларнинг ўндан ортиқ туркуми брак қилинди. Натижада бирлашмага қарашли корхоналар зиммасига юкланган жарима 25 минг сўмдан ошди.

Шунингдек, область савдо тармоқларига Бухоро пойабзал фабрикаси етказиб берган 73 минг сўмлик оёқ кийим ҳам бракка чиқарилди, жарима миқдори 12 минг сўмни ташкил этди.

Аҳолининг мебелга бўлган талаби ошиб бораяпти. Аммо айрим корхоналар яшлаб чиқараётган сирти ялтироқ, ичи қалтироқ буюмлар харидорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Масалан, Самарқанд мебель фабрикасида тайёрланган 72 та шкаф, «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида омонатгина турганлиги, очилса ёпилмай, ёпилса очилмаслиги ва бошқа нуқсонлари маълум бўлди. Корхонанинг 2497 сўм жарима тўлаганлигига сабаб ҳам шу. Молининг иллати ошкор бўлгач, бошқа илож йўқ-да!

Кўримсиз, яроқсиз нарса совғага арзимаслиги аён. Лекин Хивадаги бадиий совға буюмлари фабрикасида сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш авж олган. Ўтган йил бошидан буён бу ерда юз минг сўмлик совғабоп галантерея ва тикувчилик маҳсулотлари ҳамда оёқ кийимлари брак қилинди: жарима миқдори 17 минг сўм! Бироқ бракчига бу жазо ҳам кор қилмаяпти, маҳсулот сифати ҳануз яхшиланмаяпти.

Тошкент, Андижон пойабзал фабрикалари, Самарқанд тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл кондитер фабрикаси ва бошқа қатор корхоналарнинг мингминглаб сўмлик маҳсулотлари улгуржи савдо базаларида брак қилиниб, бундан мазкур корхоналар катта иқтисодий зарар кўраётирлар. Афтидан айрим раҳбарлар жаримадорликка кўникиб қолишганга ўхшайди. Агар ана шу заррадан корхона раҳбарларининг ҳамёни ҳисобига қопланса, бракка улар бунчалик лоқайд қарашмасди. «Корхоналар моддий бақувват, жаримани ҳам, исрофгарчиликни ҳам кўтараверади» деб ўйлаш эса давлат ва халқ манфаатига зид хатти-ҳаракатдир.

Шартнома интизоми — муқаддас. Уни бузиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарнинг раҳбарларига шундай савол бериш ўринлидир. Бракка қачон барҳам берилади? Токайгача жарима тўлайсизлар?

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША

Чиноз районилик бир группа газетхонлар хатида район шифохонасида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш қониқарсиз аҳволда эканлиги баён этилган эди.

Ушбу шикоят юзасидан **Чиноз район Совети ижроия комитети** йўллаган жавобда маълум қилинишича, хатдаги фактлар тасдиқланган. Ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун район марказий шифохонаси травматология бўлими мудири Р. Маҳаматқулов вазифасидан бўшатилди.

Касалхонанинг хирургия бўлими мудири Т. Зокировга қаттиқ ҳайфсан, бош врач ўринбосари А. Исломовга ҳайфсан берилди. Врач-травматолог Э. Расулов бўлим навбатчилигидан четлаштирилди.

Мазкур масала Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигида ҳам муҳокама қилинди.

Районда травматология-ортопедия хизмати кўрсатишни етарли даражада ташкил этмаганлиги ва бемор Б. Тўрақуловга медицина хизмати кўрсатишни паст савияда ўтказганлиги учун район марказий касалхонаси бош врачи Ф. Ногаевга ҳайфсан эълон қилинди.

Ушбу масала район Совети ижроия комитетида кўриб чиқилди. Районда медицина муассасалари ишларини бундан буён янада яхшилаш, беморларни қабул қилиш учун етарли шароитлар яратиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилди.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРХЛАР

ЭНГ МУҲИМ ВОҚЕА

ЖОЗЕ ЭДУАРДУ ДУШ САНТУШНИНГ АЙТҒАНЛАРИ

ЛУАНДА, (ТАСС). МПЛА — Меҳнат партиясининг II съезди 1985 йилда Анголадаги энг муҳим воқеа бўлади деди бу ерда МПЛА—Меҳнат партиясининг Раиси, АХР Президенти Жозе Эдуарду душ Сантуш.

Бу анжуман,—деб уқтирди у, — партиянинг бутун фаолиятини кучайтириш, Ангола революциясининг социалистик характерини ривожлантириши ва чуқурлаштириши лозим. Январда, — деди президент, — биринчи умуммиллий партия конференцияси ўтказилади. Конференция партиянинг навбатдан ташқари 1 съездидан кейин ўтган даврдаги ишни якунлайди, МПЛА — Меҳнат партиясининг бўлғуси навбатдаги съездига тайёргарлик кўришнинг асосий йўналишларини белгилайди. Ангола давлатининг бошлиги мамлакатнинг барча меҳнаткашларини АХРда социалистик жамият асосларини қуриш учун шароит яратиш мақсадида ўртага қўйилган вазифаларни бажариш соҳасидаги ишни кучайтиришга даъват этди.

Ўтган йили,— деди сўзини давом эттириб президент, — МПЛА — Меҳнат партияси билан АХР ҳукумати маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида катта кучғайрат сарфладилар, шунингдек регионнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш йўлида дипломатик тадбирларни амалга оширдилар. Ангола Африка жанубида одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатилишига интилмоқда,— деб таъкидлади у. — Аммо у империализм кучлари райига қараб ўз манфаатларини қурбон қилмоқчи эмас. Айни шу боисдан ҳам биз Намибия муаммосининг ҳал этилишини Анголанинг бирон-бир ички масалалари билан «боғлиқ» қилиб кўйишни рад этиб келдик ва рад этаверамиз. Айни вақтда биз Унита газандалар тўдаларининг жиноятлари билан ЖАР қўшинларининг Ангола жанубида ва Намибияда ғайриқонуний равишда туриши ўртасида шак-шубҳасиз алоқа бор, деб ҳисоблаймиз. Бу тўдаларнинг қилмишлари ва мавжудлигининг ўзи апартеид режими бераётган ҳар қандай ёрдамнинг оқибатидир.

АХРга қарши кирдикорлар кучайиб бораётганлигига жавобан Ангола Халқ озодлик қуролли кучлари (ФАПЛА) душманга тобора кескин зарбалар бермоқдалар, яқинда Уамбо шаҳрида империализм малайларининг яна бир қуролли ирғоғарлиги мана шундай тарзда даф қилинди. Бултур, — деб уқтирди президент, —контрреволюция гуруҳларининг собиқ аъзоларидан анчагина қисми Ангола маъмурларига таслим бўлди. Ҳозир улар миллий реконструкция ишида республика барча гражданлари қатори қатнашмоқдалар.

Жозе Эдуарду душ Сантуш халқаро империализмнинг агрессивлиги кучайганлигидан жуда ташвишланиб гапирди. Империализм оддий ва ядровий қуролланиш пойгасини кучайтираётганлиги, космик фазони ҳарбийлаштиришга ўринаётганлиги инсоният ҳаётининг ўзига хавф солмоқда, — деб таъкидлади у.

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ УЧРАШУВИ

РИМ. ТАСС мухбири В. СОЛОМИН хабар беради:

Италиянинг Сицилия оролидаги Виттория шаҳрида тинчлик тарафдорларининг учрашуви ўтмоқда. Учрашув Италия ва Ғарбий Европадаги бошқа бир қанча мамлакатларнинг территориясида Америка биринчи зарба ракета-ядро воситаларини жойлаштиришга қарши кураш масалаларига бағишланган. Унда маҳаллий маъмурларнинг вакиллари, урушга қарши турли ташкилотларнинг активлари, таниқли жамоат арбоблари, юристлар қатнашмоқдалар.

Учрашувдаги кўпдан кўп нутқларда Сицилияда Витториядан бир неча километр нарида жойлашган Комизо шаҳри атрофларида Американинг қанотли ракеталари жойлаштирилишига қарши қатъий норозиликлар изҳор этилди. НАТО блокининг бу ердаги катта ҳарбий базасида ракеталарнинг дастлабки туркуми жанговар тайёр ҳолга келтириб қўйилди. Шу мудҳиш қуролнинг миллий хавфсизликни таъминлаш билан ҳеч бир алоқаси бўлмай, аксинча Италияга, шу билан бирга дунёнинг бошқа кўп районларига ҳам катта хавф-хатар солади, — деб таъкидлашди тинчлик тарафдорлари. Учрашув қатнашчилари Комизода Америка ракеталарини жойлаштириш тўхтатилсин ва бу ерда жойлаштирилганлари олиб кетилсин, деб талаб қилдилар.

СССР—Польша: ҲАМКОРЛИК РАМЗИ



Бугун — Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигига 40 йил тўлди. Совет ва поляк халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушувчи ҳамкорликни ривожлантиришга асос солган бу алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда тарихий бурилиш даврини бошлаб берди. Ўтган йиллар ичида иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро фойдали ҳамкорлик ривожланди ва мустаҳкамланди. Совет — Польша бузилмас дўстлиги вақт синовидан муваффақиятли ўтди. Бу нарса мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги ҳамкорликда ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бугунги кунда Польша пойтахти Варшавада қурилаётган метро Совет — Польша дўстлиги ва ҳамкорлигининг чинакам рамзига айланди. Польшалик қурувчилар Совет Иттифоқида малака ошириб, бу ерда орттирган тажрибаларини Варшава метроси қурилишида кенг қўлланмоқдалар. Суратда: Варшава метроси қурилиши участкаларидан бирида.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ҚАСАМЁД ҚИЛДИРИЛДИ

ГААГА. Суринам Республикаси президенти вазифасини ижро этувчи Фред Рамдат Мисир 11 кишидан иборат янги министрлар кабинетини қасамёд қилдирди. Нидерландиядаги АНП ахборот агентлигининг хабар беришича, янги кабинет собиқ мувоққат ҳукумат министрларидан саккиз кишидан (уларнинг номзодлари миллий ҳарбий кенгаш томонидан таклиф этилди), шунингдек, Голландиянинг Жанубий Америкадаги ана шу собиқ мустамлакаси корхона эгалари ва касаба союзлари номзодларини кўрсатган уч нафар янги министрдан иборат. Касаба союзлари яна бир министр номзодини таклиф этишлари зарур.

Вим Уденхаут бош министр ва ташқи ишлар министри лавозимида қолди, Вильфред Мейнард илгаригидек қуролли кучлар ва полиция министри бўлди.

(ТАСС).

ОММАВИЙ НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Бхопал шаҳрида (Мадҳья-Прадеш штати) оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. Бхопал фожиаси одамлар хотирасида кўп миллатли корпорацияларнинг жиноий фаолиятини эслатиб турувчи нохуш воқеа бўлиб қолади. Кўп миллатли корпорациялар бойиш йўлида одамлар ҳаётини ўлим хавфи остига қўймоқдалар. Маълумки, бир ойча илгари Американинг «Юнион карбайд» химия концерни маъмуриятининг айби билан компаниянинг Бхопалдаги заводида заҳарли газ атмосферага чиқиб кетди. Натижада салкам 2500 киши ҳалок бўлди ва яна 50 минг киши жиддий заҳарланди.

Намойиш қотил завод эгаларининг Мадҳья-Прадеш штати маъмурларидан корхонани очиш ва заҳарли химиявий моддаларни яна ишлаб чиқара бошлашга рухсат бериш тўғрисидаги сурбетларча талабига жавобан ўтказилди. Минглаб кишилар «Юнион карбайд» — Бхопалдан жўнаб қол!», «Ҳиндистонда Америка монополияларига жой йўқ!», «Биз фожиа қурбонларига хун тўланишини талаб қиламиз!», — деган шиорларни баланд овоз билан такрорлаб, шаҳарнинг марказий кўчаларидан ўтдилар. Намойишчилар «Америка корпорациясининг эгалари Бхопалдаги фожиа учун бутун масъулиятни ўз зиммаларига олишлари керак», — дедилар.

(ТАСС).

ВАТАНПАРВАРЛАР ҲАРАКАТИ

БАЙРУТ. Ливан қаршилик кўрсатиш ватанпарварлик фронтининг жангчилари Ливаннинг босиб олинган жанубида Исроил босқинчиларига янги зарбалар бердилар. Порт шаҳри — Тирдан сал нарида босқинчиларнинг механизациялашган соқчилари ватанпарварлар қўйган минага дуч келиб портлаб кетди. Исроилнинг тўрт нафар солдати сафдан чиқарилди. Бекаа водийсида Исроилнинг бронемашинаси партизанлар қўйган минага дуч келиб портлади.

Тир, Сайда атрофларида ҳамда ватанпарварлар актив ҳаракат қилаётган бошқа районларда босқинчилар тинч аҳолига қарши қаттиқ жазо чораларини кўрдилар. Ҳеч бир айби бўлмаган ўнлаб деҳқонлар қамалди, ёппасига тинтувлар ўтказилди.

(ТАСС).

ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА

САН-ХОСЕ. Сальвадор ватанпарварлари информация хизматининг хабарига кўра, 1984 йилда «ажал эскадронлари» деб аталмиш ўта-кетган ўнг ҳарбийлашган отрядларнинг каллакесарлари Сальвадорнинг тинч аҳолисидан 2000 га яқин кишини ўлдирганлар. Улар америкапараст Дуарте қўғирчоқ режимининг ҳомийлигидан фойдаланиб, мамлакат аҳолисини ҳамон ур-йиқит қилиб турибдилар. Вашингтон ишорати билан ўтказилган сайлов машмашаси натижасида Наполеон Дуарте президент тахтини эгаллаганидан кейин ўтган олти ой ичида «ажал эскадронлари»га мансуб қотиллар Сальвадорда 670 нафарга яқин граждан кишиларни қириб ташладилар. Қонунга хилоф равишда қамоққа олишлар ва гражданларнинг «сирли» ғойиб бўлишлари давом этди, дейилади хабарда.

(ТАСС).

1985 ЙИЛ—ЯПОН РЕАКЦИЯСИГА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ КУРАШ ЙИЛИ

ТОКИО, (ТАСС). Бошланган 1985 йил Япония демократ кучларининг кучайиб бораётган реакция ҳужумига қарши қатъий кураш йили бўлади, — деди Социалистик партия Марказий Ижроия Комитетининг Бош секретари Макото Танабэ «Жапан таймс» газетасининг мухбири билан суҳбатда.

— Накасонэ ҳукумати,—деб таъкидлади у,— мамлакатда ҳарбий харажатларнинг кўпайиши учун расмий равишда белгиланган чеклашни тугатишга, социал мақсадларга ажратиладиган маблағларни кескин қисқартиришга ва маориф системасини реакцион руҳда қайта қуришга интилмоқда. Бу йўл конституциянинг тинчликни кўзловчи қоидаларини қайта кўриб чиқишга ва урушдан аввалги урушқоқ Японияда мавжуд бўлган тартибларни қайта тиклашга олиб боради, — деб уқтирди Танабэ.

«Консерваторлар хукумати ўтказаётган сиёсатнинг ҳақиқий мақсадларини бош министр Накасонэнинг мамлакатимизни чўкмас авианосецга айлантириш ниятидаман, деб берган баёноти очиқ равшан кўринмоқда», — деб таъкидлади ЯСП Марказий Ижроия Комитетининг Бош секретари.

Хабарлар оқими

ЖАМОАТ АРБОБИНИНГ ДАЪВАТИ

БОННГ. Германия социал-демократик партиясининг бундестагдаги фракцияси ташқи сиёсат масалалари билан шуғулланувчи эксперти К. Фойгт йўлдошга қарши қуролнинг ҳар қандай турларини тақиқлаш зарур, деди. Унинг фикрича, бу масала қуролсизланишга оид Совет — Америка музокараларининг асосий мақсадларидан бири бўлиши лозим.

ДПА агентлигининг хабар беришича, социал-демократларнинг таниқли арбоби АҚШни музокаралар бошланган пайтдан қуролларнинг ҳар қандай турларини космик фазога чиқармай қўйиш тўғрисида ўзаро бир битимга эришишга тайёр эканлигини билдиришга даъват этди. Космосни ҳарбийлаштириш йўлида қўйилган ҳар қандай, ҳатто кичик қадам ҳам, деди у, нотўғри йўналишдаги қадам бўлур эди.

К. Фойгт қуролсизланиш масалаларида изчил сиёсат ўтказмаётганлиги учун ГФР ҳукуматини танқид қилди. Бонн расмий доиралари космосни ҳарбийлаштириш режаларига нисбатан дастлаб танқидий позицияни эгаллаб, сўнгра Вашингтоннинг тегишли режаларини амалга оширишда қатнашиш зарур, деган фикрни билдирди.

СЪЕЗД ОЧИЛДИ

СТОКГОЛЬМ. Бу ерда Швеция коммунистлари — сўл партиясининг навбатдаги 27-съезди ўз ишини бошлади.

Партия раиси Ларс Вернер съезд очилишида доклад қилди. У халқаро аҳвол тўғрисида гапириб, энг аввало ядровий қуролланиш пойраси давом этаётганлиги муносабати билан ташвиш билдирди. Қуролланиш пойгаси кўп даражада Европа қитъасига тааллуқлидир. Швеция коммунистлари сўл партияси, деди Вернер, Европада янги ядровий ракеталар жойлаштирилишига қарши, қитъада қуролланиш пойгаси тўхтатилиши учун кураш олиб бормоқда. Партия Швециянинг бетарафлик сиёсатини қўллаб-қувватлайди ва Швеция ҳукуматининг Европа шимолини ядросиз зонага айлантиришга ва Европада ядро қуролидан ҳоли зонани вужудга келтиришга қаратилган фаолиятини маъқуллайди.

НОХУШ ИСТИҚБОЛ

ПАРИЖ. Французларнинг кўпчилиги ўтган йил якунларини салбий баҳолаётган ва янги йилдаги истиқбол тўғрисида ҳеч қандай яхши фикр билдирмаяпти. Франциянинг Софрес жамияти ўтказган ва матбуотда эълон қилинган жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижалари шундан далолат беради.

Савол-жавоб қилинган кишиларнинг қарийб 70 проценти 1984 йил «умуман барча французлар учун ёмон йил бўлди», деган фикрни билдирди. 65 процент киши ўтган йили ўз ойлаларининг харид қобилияти пасайиб кетганлигини айтди, айни вақтда салкам 50 процент киши 1985 йилда харид қобилияти янада пасайиб, ишсизлар армияси 2,5—3 миллион кишигача кўпаяди, деб ҳисобламоқда.

(ТАСС).

ҲАМИД АКА ВА УНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

ИНСОНИЙЛИК КЎЗГУСИ

Ҳаётда шундай одамлар ҳам борки, улар фақат яхшилик учун яшашади. Каттақўрғонлик Ҳамид Самадов ҳам ана шундай олижаноб кишилардан бири. 1982 йил 3 июнда вақтли матбуотда СССР Олий Совети Президиумининг қуйидаги Фармони босилди: «Ижтимоий-сиёсий ҳаётда актив иштирок этганлиги ҳамда ота-онасиз қолган 13 болани тарбиялагани учун Ҳамид Самадов Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлансин».

Ҳозир бепоён мамлакатимизда саховатли, меҳрибон ота номини танимайдиган киши йўқ десак муболаға бўлмас. Деярли ҳар куни почтальон унинг эшигини тақиллатиб, Совет Иттифоқининг турли районларидан келган ўнлаб хатларни Ҳамид акага топшириб кетади.

...Ҳамид ака тўрда гоҳ тўкин дастурхонга, гоҳ жиддий, вазмин суҳбатлашаётган фарзандларига нигоҳ ташларкан, ўйлаб кетади. «Мана шундай тўкин-сочин, осойишта кунларга ҳам етарканмиз-ку. Қандай оғир вақтларни бошдан кечирдик. Бир бурда нон ҳаётнинг ўзи билан теппа-тенг эди, теппа-тенг!..»

Ҳамид ака ўша кунларни сира унутолмайди. Уруш бошланганда уч ака-ука фронтга отланди. У кичик укаси Рофежон билан ёнма-ён туриб Москвани ҳимоя қилди. Сўнгра махсус алоқачилар бўлинмасида Сталинград, Ростов-Дон, Запорожье, Харьков учун бўлган жангларда қатнашди.

Днепр дарёсидан ўтишда оғир яраланиб, аввал бир деҳқон аёлнинг уйида ва сўнгра госпиталда узоқ даволангандан кейин уни иккинчи группа инвалиди деб топишиб, фронт орқасига қайтаришди. Кўксига Қизил Юлдуз ордени, кўплаб медаллар таққан жасур жангчи 1944 йил февраль ойининг қаҳратон совуқ кунларидан бирида Каттақўрғон темир йўл вокзалига келиб тушди.

У тишини тишига қўйганча оппоқ қорни ғичирлатиб босиб бораркан, кимнингдир ингираган овози қулоғига чалинди. Беихтиёр ўгирилди-ю, ташландиқ будкада ялангоёқ, жулдур чопонда ғужанак бўлиб ўтирган болага кўзи тушди. У ингичка товушда «Нон!» деб қоқсуяк қўлчасини олдинга чўзганча турарди. Ҳайрият Ҳамид аканинг сафархалтасида икки бўлак қанд қолган экан. Уни болага узатди. Бола эса қандни кўз очиб-юмгунча ямлаб ютди ва яна қўлини чўзди.

— Мен билан кетасанми? — кўзларидан ёш қалқиб сўради солдат. Сўнг уни шинелга ўради-да бағрига босиб йўлда давом этди. Кўпдан бери хат-хабари бўлмаган тўнғич фарзандининг тўсатдан кириб келиши Самад ота билан Манғит момони шошириб қўйди. Улар шинелга ўралган, кўзлари ич-ичига тушиб кетган қилтириқ болани кўриб, ҳайрон бўлишди. Ҳамид ака вокзалдаги воқеани айтиб бергандан кейин отаси: «тўғри қилибсан ўғлим, етим экан, савоб бўлади», деб уни алқади. Боланинг исмини Кўчқор қўйишди. Очлик ва совуқ Кўчқорнинг суяк-суягидан ўтиб кетган экан, кўп ўтмай ётиб қолди. Манғит момо уни уч ойдан знёдроқ касалхонада боқди.

Кунлардан бир кун момо ранг-рўйига қон югуриб, соғайиб кетган Кўчқорни етаклаб уйга қайтса, ҳовлида саккиз ёшлардаги малласоч бегона бола ўйнаб юрибди. Ҳамид ака уни онасига таништирди: «Бунинг исми Донат. Лаънати уруш туфайли Каттақўрғонга келиб қолишган экан, онаси ҳам, холаси ҳам вафот этибди. Энди бизникида яшайди...»

Манғит момо иккинчи неварасини ҳам жон-дили билан суйди, пешонасидан ўпди. Бу орада Ҳамид ака Каттақўрғондаги ташкилотлардан бирининг таъминот бўлимига ишга кирди. Бир кун идоранинг от қўшилган аравасини ҳайдаб уйга қайтаётса қош-кўзи қоп-қора арман бола унга эргашди. Ҳамид ака суриштирди, унинг исми Арсен, ота-онасидан ажралган экан. Манғит момо Арсенни ҳам бағрига босди, «Арсенинг нимаси, тушуниш қийин экан. Оти Арслон бўлсин!» деб пешонасини силади.

Арслондан кейин сафга Иван қўшилди.

Ўнг қўли кесилган бу бола ўн уч ёшларда бўлиб, урушнинг барча жабр-жафосини тортган эди. Отаси фронтда ҳалок бўлгач, Иван ҳам жангга кириб, яраланибди. Кейин тақдир уни бу томонларга келтириб ташлабди.

1945 йилнинг қирчиллама қишида Ҳамид ака хизмат юзасидан Чироқчи районига борди. Арава билан қабристон ёнидан ўтаётганда юпун кийинган болага йўлиқди. Атрофдагилардан суриштириб, унинг исми Нуримуҳамматлигини, етимлигини, фронтдан яраланиб қайтган отаси оламдан ўтганини билиб олди. Юраги эзилган Ҳамид ака иккиланиб ўтирмади, Нуримуҳамматни аравага миндириб, белбоғидаги нондан синдириб берди...

У идора топшириғини бажариб Тошкентдан қайтаётган эди. Гулистон бекатида кўк кўз болакайга кўзи тушди. Ҳамид ака яна суриштирди. «Айтишларича, бу бола белорус, етим экан. Ҳаммомнинг гўлоҳхонасида ётиб юрармиш», — кимдир изоҳ берди. Ҳамид ака беш ёшли Женя билан шундай танишди.

Ота-оналаридан етим қолган Рашид, Керим, Тошбуви, Суннат, Мирали, Ойдиннисо, Сафаргул, Лизалар ҳам шу тарзда Ҳамид ака бағрига келиб қолдилар. Очлик даври бўлса ҳам у чўчимади: ўн уч қаровсиз боланинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзи емай уларга едирди, ўзи киймай уларга кийдирди. Кейинчалик етим қолган, узоқ бир қариндошининг ҳам уч боласини қаторга қўшди. Шундай қилиб, бўйдоқ йигит Ҳамид ака ўн олти фарзандга, Самад ота билан Манғит момо ўн олти невараға бош бўлишди.

Самад ота билан Манғит момо уни уйлантириш ҳаракатига тушиб қолганларида эса баъзилар пичинг отишди: «Ўн олти болали бўйдоққа ким ҳам қизини берарди. Унинг хонадонини тўлдирган болалар ташвишини зиммасига оладиган қиз Каттақўрғонда топилмайди». Ана шунда Санобар исмли қиз унга кўнгил қўйди. Улар турмуш қуришди.

...Йиллар ўтиб ўзлари ҳам олти фарзанд кўришди.

Самад ота ҳунар билим юртида уста бўлиб ишларди. У топганини уйига таширди, болаларнинг қорни тўқ, усти бут бўлсин, дерди. Ҳамид ака ҳам шундан бошқа нарсани ўйламасди. Шундай вақтлар бўлардики, бир куни уйда ушоқ ҳам топилмай қолди. Ўшанда Ҳамид ака шинели ва этигини кепакка алмашиб келди. Қайнона ва келин кепакни бир амаллаб ийлаб «нон» ёпиб беришди.

Хуллас, болаларнинг жонлари омон қолди. Меҳри қуёш Самад ота, Манғит момо, матонатли жангчи Ҳамид ака, дарёдил Санобар опа паноҳида ўсишди, улғайишди.

Бундан бир неча йил муқаддам Самад ота билан Манғит момо оламдан ўтишди. Ҳаётда эса уларнинг номи қолди, ҳеч қачон қалблардан ўчмайдиган эзгу ишлари қолди.

Ҳамид ака ҳам, Санобар опа ҳам машаққатли дамларда қилган меҳнатлари зое кетмаганидан ҳақли суратда фахрланишади. Донат Москвада ўқиди. У инженер, Каттақўрғонда яшайди. Кўчқор Самадов Оренбургда истиқомат қилади, слесарь бўлиб ишлайди. Арслон Самадов куйбишевлик бўлиб кетган, электротехник, ҳалол меҳнати билан иззатҳурмат топган. Нуримуҳаммат Самадов Янгақўрғон районидаги Энгельс номли колхозда туради. Пахтачилик мўйишкори сифатида танилган.

Яқинда мен бу қутлуғ хонадонда бўлиб, келин бўлиб тушган кунидек ўн олти бола онасига айланган хушфеъл Санобар опа билан, унинг мард, танти ва жасоратли умр йўлдоши — Ҳамид ака Самадов билан таништим, танишдиму қисқагина суҳбат чоғида оддийлик ва олижаноблик туйғуси нималигини чуқур англаб етдим. Гап айланиб, Днепрда ярадор бўлганида жонига оро кирган икки украин аёлига келиб тақалди.

«Комсомольская правда» газетасининг 1975 йил 1 май сонида журналист Л. Графованинг Ҳамид Самадов ҳақидаги мақоласи босилган эди. Тасодифни қарангки, ўша мақола ва Ҳамид аканинг сурати унутилаёзган тарихни жонлантиришга кўмаклашди.

Орадан кўп ўтмай газета редакциясига олис Украинанинг Новая Александровка қишлоғидан қизиқарли мазмунда хат келади. Унга Ҳамид ака ярадор бўлганида жонига оро кирган ўша деҳқон аёли она-бола Мария Тимофеевна ва Надежда Ивановна имзо чекишганди. Хат газетада босилди. Ҳамид ака уни ўқиди-ю, Днепр дарёсидан кечув пайтидаги жанг кўз олдида жонланди, ўзини билмай ётган пайтда уйига олиб кириб, бир неча кун тепасида парвона бўлган ўша меҳрибон аёлни эслади.

У Надежда Ивановна билан иккинчи марта Самарқанд аэропортида учрашди. Салкам ўттиз икки йилдан кейинги дийдор кўришув чинакам дўстлик рамзига айланди. Надежда Ивановна онаси бетоблиги учун келолмаганини афсус билан билдирди. Ўшандан бери Новая Александровка билан Каттақўрғон орасидаги масофа бир қадам бўлиб қолди. Гоҳ Надежда Ивановна, гоҳ Ҳамид акалар бир-бирларинингка бориб туришади.

...Каттақўрғондаги оддий, бошқа хонадонлардан деярли фарқ қилмайдиган бу ҳовлида ҳамиша рўшнолик ҳукмрон. Меҳмонларнинг кети узилмайди. Узоқ-яқин шаҳарлардан Ҳамид аканинг болалари, набиралари тез-тез келиб туришади. Унинг набиралари сони эса юздан ошиб қолган. Улар билан учрашганида Ҳамид аканинг қувончи бир олам бўлади. У фарзандлари билан ўзини ҳамиша бахтли деб билади.

А. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими
ЎРТА ОСИЁ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКОНОМИКАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
секторлар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: қишлоқ хўжалик корхоналарини жойлаштириш, капитал маблағлар самарадорлиги;
катта илмий ходимлар: қишлоқ хўжалик корхоналарини жойлаштириш, капитал маблағлар ва асосий фондлар нормативлари, пировард маҳсулот учун рағбатлантириш, экономикада математик методлар;
кичик илмий ходимлар: техникадан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва социал муаммолари, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, агрохимия хизматини ташкил этиш пировард маҳсулот учун рағбатлантириш.

Конкурс муддати — 15 январгача.

Мурожаат учун адрес: 700097, Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги проспекти, 28-уй, кадрлар бўлими.

●

«ГОСКОМГИДРОМЕТ»нинг
В. А. БУГАЕВ НОМЛИ ЎРТА ОСИЁ РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта ва кичик илмий ходимлар: атмосфера ҳавоси ва тупроқ ифлосланишини ўрганиш ҳамда атмосферага чиқиндиларни чиқаришни нормалашни тадқиқотлаш бўйича лабораториягa.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб икки ҳафта.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адресга юборилсин: 700052, Тошкент шаҳри, 52-алоқа бўлими. Обсерватория кўчаси, 72-уй. Телефонлар 33-6-13, 35-80-59.

●

В. В. КУЙБИШЕВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ
Савдо экономикаси кафедраси доценти
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Самарқанд шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 1-уй.

●

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/I да **Этиб кийган мушук**, 6/I да **Уйқудаги гўзал**, 7/I да **Севилья сартароши.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/I да **Ёшликда берган кўнгил**, 6/I да **Тошболта ошиқ**, 7/I да **Хотинимнинг эри.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Циркда арча». Янги йил томошалари (10, 13, 16, 19.30).

ГАЗЕТХОН

...таклиф қилади: ЗНАЧОК ВА ФОРМАГА—ЭЪТИБОР

Бизда барча кишилар учун ўқув юртларининг эшиги очиқ. Улар истаган касб бўйича билим олишлари мумкин. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, олий ёки махсус ўқув юртларини битирганларга диплом билан бир вақтда кўкракка тақиладиган нишон ҳам берилади. Бироқ ана шу значокни ҳамма ҳам тақиб юрадими?! Йўқ, — деб дадил айта оламиз. Аксинча, бу нишонни фахр билан тақиб юриш лозим.

Яна бир масала. Катта шаҳарларда автобус ва такси ҳайдовчи хизмат вазифасини ўташ пайтида махсус кийим — формалардан фойдаланади. Бизда эса ҳали бу муҳим масалага жиддий қаралмаяпти.

Мен маданиятимизнинг бир белгиси бўлиб турган кўкрак нишонга ҳамда махсус иш кийимларига эътибор ва ҳурмат ошишини истайман. Зеро, бу касбга ҳам ҳурмат белгисидир.

Э. ҲАСАНОВ,
Яккабоғ районидаги 13-ўрта мактаб директори ўринбосари.

...танқид қилади: «БОТАНИКА» ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Тошкент областининг Оржоникидзе районида жойлашган «Ботаника» санаторийси кўпчиликнинг назари тушган шифо масканларидан ҳисобланади. Мен 1982 йилдан буён бу ерда уч марта даволандим. Баъзи камчиликларни ҳисобга олмаганда даволаниш ва таъминот масалалари анча яхши йўлга қўйилган.

Афсуски, хўжалик ишлари ҳақида бундай дея олмаймиз. Санаторийнинг бир томонидан Бўзсув канали оқиб ўтади. Канал бўйида узунлиги 500 метр, эни уч-тўрт метр бўлган йўл бор. Беморлар катта сув ёқалаб сайр этиб юрар эканлар, атрофда чанқоқликдан қовжираб кетган ўтларни, қуриган дарахтларни кўриб:

«Аттанг, хўп жой экан-у, қарайдиган одам йўқ экан-да! — деб афсуслана дилар.

Даволанувчи кексалар юриб чарчагач, сув бўйида ўтириб ҳордиқ чиқаргилари келади. Афсуски, ўтиргич топилмайди. Шундай узун йўл бўйига ўн-ўн бешта скамейка қўйилган, холос. Бу ерда тонг палласида ҳамда кеч кириб қоронғи тушган пайтларда чироқларнинг анчагинаси ёнмаётган бўлади. Бунга ҳеч ким аҳамият бермайди.

Ёзги кинотеатр атрофидаги дов-дарахтлар, олтинчи корпус яқинидаги атиргуллар қаровсиз ташлаб қўйилган.

Бинолар оралиғига иккита фонтан ўрнатилган. Илгарилари фонтанлар атрофида анвойи гуллар яшнаб турарди. Ҳозир-чи? Гуллар ўрни тап-тақир ерга айланган, фонтанлар ишламайди.

Санаторийнинг бир томони баландликдан иборат бўлиб, шу баландликдаги ариқдан кеча-кундуз шовуллаб сув оқиб туради. Ана шу сув билан санаторийнинг ҳамма ериди дарахтлар ва гулларни суғорса бўлади.

Бундан бир неча йил муқаддам 6-корпус яқинида спорт майдончаси бўлган экан. Негадир у кўпдан буён ишламайди. Ўт босиб ётган майдончада баъзи бировлар мол боқиб келишяпти. Санаторийда хўжасизлик шу даражага бориб етганки, ҳатто унда махсус кир ювиш хонаси ҳам йўқ. Қоида бўйича ҳар саккиз кунда даволанувчиларнинг чойшаб ва бошқа нарсалари алмаштириб берилиши керак, амалда эса 24 кунда шундай қилиняпти. «550 кишига хизмат қиладиган шифохонада нега кир ювиш хонаси йўқ?» — деб сўрасангиз, санаторий раҳбарларидан бирортаси ҳам аниқ жавоб айта олмайди.

Энди санаторийга қарашли чойхона ҳақида икки оғиз гап. Чойхона якшанба ва душанба кунлари ишламайди. Ишлаган пайтларида ҳам ундан чойдан бошқа ҳеч нарса топиб бўлмайди. Бунинг устига металлдан ясалган чойнаклар бўлгани учун дамланган чой дарров совуб қолади. Наҳотки, чинни чойнак топиш шунчалик қийин бўлса?! Яна ачинарли жойи шундаки, чойхонадаги каравотлар доим ошхўрлар билан банд бўлиб, чой ичиб ҳордиқ чиқарувчиларга жой топилавермайди.

Шу ўринда бошқа бир муҳим масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Партия ва ҳукуматимиз ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. «Ботаника» санаторийсида шароит бўла туриб бунга эътибор берилмаётгани таажжублантиради кишини. Шифохона яқинида бўш ётган майдонлар анчагина. Тегишли ташкилотлар билан келишиб, ундан фойдаланса ва чорва моллари учун мўл-кўл озуқа етиштирса бўлади. Шу билан бирга санаторийнинг ўзидан ҳам ҳар куни талай чиқиндилар чиқади. Шунингдек, биз юқорида айтиб ўтган бўш ётган ерларнинг бир қисмига мевали дарахтлар, полиз экинлари экилса, даволанувчиларни мева-чевалар билан таъминлаш анча яхшиланган бўларди.

Юқорида баён этганларимиздан шундай хулоса чиқариш мумкин: санаторийда хўжалик ишларини яхши йўлга солиш зарур. Бунинг учун ишнинг кўзини биладиган ва масъулиятни сезадиган одам бўлиши шарт. Агар шундай бўлмаса, ҳозирги аҳвол давом этаверса, бор нарсалар ҳам йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас. Қисқаси, «Ботаника» санаторийси ёрдамга муҳтож.

О. САЛИМОВ,
шахсий пенсионер, 1929 йилдан КПСС аъзоси.

...эътироз билдиради: ЧИННИЛАРИМИЗ СИФАТЛИ БЎЛСИН

Бир гуруҳ кексалар маҳалла чойхонасида ҳузур қилиб чой ичишарди. Кутилмаганда чойнакнинг қопқоғи тушиб кетиб, пиёла синди. Биров айбни чой қуювчига қўйди, биров чойхоначига... Шу пайт гап бошқа мавзуга кўчиб, ҳозир чиқарилаётган чинни идишларнинг сифатига ўтди. Дарҳақиқат, йиллар давомида чиқарилиб келинган чойнакларнинг илгаги бўлиб, унга ип бойланарди. Жуда яхши, қулай эди. Ҳозир эса унга «ўзгариш» киритиб, ип боғлаб бўлмайдиган қилиб қўйилди. Қопқоқдаги тешикка ипни чўп ёрдамида ўтказсангиз, жуда хунук бўлади, бунинг устига озодаликка ҳам тўғри келмайди.

Хўш, шу кунларда ишлаб чиқарилаётган пиёла ва косалар ҳақида нима дейиш мумкин? Уларнинг орқа тарафини айлантирмоқчи бўлсангиз, ушлашга қийналасиз.

Биз кўпчиликнинг фикрини ифодалаб, Самарқанд чинни заводи раҳбарларига хат йўллаган эдик. Мана шунга ҳам икки йилдан ошди. Афсуски, бирор натижа чиққани йўқ.

М. МУХТОРОВ,
Самарқанд шаҳар, Снёб район, Ҳожи Абдулазиз номли маҳалла комитети раиси.

Халқ селекционери Зайниддин Фахриддинов (Оржоникидзе райони, Ленин номли колхоз) етиштираётган ноз-неъматлар иттифоқда маълумдир. Суратларда: 1. З. Фахриддинов ўғли Н. Фахриддинов билан бирга етиштирилган лимонлар ҳосилини кўздан кечиряпти. 2. Лимонарийда етиштирилган ҳосил.

А. Абалян фотолари.

ОБ-ҲАВО

Бугун Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туради. Тошкент области билан Фарғона водийсида кечаси бир оз қор ёғади, кундузи эса ёғингарчилик кутилмайди. Республикамизнинг бошқа территорияларида ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Шимоли-ғарбдан секундига 5—10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7—12, республика шимолида 20 даражагача совуқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Шимоли-ғарбдан секундига 3—8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5—7, кундузи 0—2 даража атрофида совуқ бўлади.

ЯНГИЛИКЛАР

АҲОЛИГА САБЗАВОТ

◆ Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида «Узгипросельстройнинг Бухоро филиали мутахассислари лойиҳаси асосида майдони 6 гектардан иборат янги теплица биноси қурилиши давом этмоқда.

Қарийб 4 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этиладиган бу зарбдор қурилишни «Узстройтеплица» трестининг 124-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари олиб бормоқдалар. Ҳозиргача теплица қурилишида 2,5 миллион сўмлик иш бажарилди. Қурувчилар беш йилликнинг якунловчи — 1985 йилида теплицани фойдаланишга топширишга сўз бердилар.

С. БЕШИМОВ.

ЎҚУВЧИЛАР МАМНУН

◆ Уйчи районидаги Рудакий номли ўрта мактаб учун умумий қиймати 1 миллион 400 минг сўм бўлган янги бино фойдаланишга топширилди.

Мактаб биноси 4 та ҳашаматли ўқув корпусига, шунингдек спорт зали, ошхона, теплица хўжалиги, сабзавот маҳсулотлари омборхонаси ва бошқа қўшимча биноларга эга. Ундаги 38 та синф хонасида 1176 ўқувчи билим олади.

Мактаб биносини Наманган «Облколхозстрой» трестига қарашли Уйчи колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси бинокорлари бунёд этдилар.

С. ТУРҒУНОВ.

КОНЧИЛАРГА ТУҲФА

◆ Фориш районининг шимоли-ғарбидаги илгарилари ажойиб сув иншооти ҳисобланган Хонбанди тўғони атрофида кучли техника ишлатила бошлади.

Тўғон қуйироғидаги Учқулоч-да кўрғошин рудаси топилиб, уни очиқ усулда қазиб олишга киришилди.

Кончиларга Тошкент 1-уйсозлик комбинатига қарашли механизациялашган кўчма колонна қурувчилари кўплаб уйжой бинолари, савдо маркази, автовокзал, шинам бозорча қуриб бердилар. Кўҳна Хонбанди ёнида қад кўтараётган бу посёлкага Банд номи берилди.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ЯНВАРЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Шахмат. Жаҳон чемпионати. 9.55 — Телефильм. 10.20 — Концерт. 10.40 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 11.10 — «Свеаборг». Бадиий фильм. 2-серия. 12.30 — Жаҳон халқларининг ижоди. 12.55 — Оила ва мактаб. 13.25 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 14.00 — Ўртоқ қўшиқ. 15.00 — «Таганрогда туғилган». 1-фильм. 16.15 — Дунё воқеалари. 16.30 — Дўстларимиз чеҳраси. 17.15 — Болалар учун фильм. 18.25 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 18.55 — Мультфильмлар. 19.25 — Ҳайвонот оламида. 20.25 — «Шоли». Спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — «Шоли». Спектаклнинг давоми. 23.15 — Концерт. 00.05 — Янгиликлар. 00.10 — Шахмат. Жаҳон чемпионати.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.30 — Музикали кўрсатув. 10.00 — Сиз яратган боғ. 10.30 — Телефильм. 11.05 — Қозоғистон ССР телевидениесининг программаси. 12.10 — Опера саҳнаси усталари. Н. А. Обухова. 12.50 — Телефильм. 13.10 — «Пеппи — узун найпоқ». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 15.20 — Телеочерк. 15.55 — Мультфильм. 16.40 — Фильм-концерт. 17.40 — Илмий-оммабоп фильм. 18.00 — ГДРдан эстрада кўрсатуви. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Хореографик поэма. 19.30 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 20.15 — Халқаро обзор. 20.30 — Ҳайрли, тун, кичкинтойлар. 20.45 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 «Қўрқма, мен сен билан». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.25 — «Илья Муромец». Бадиий фильм. 11.55 — Ёш сеҳргарлар. 12.30 — Шахмат мактаби. 13.00 — Саҳна санъати усталари. З. Ҳидоятова. 14.05 — Уфқ. 14.45 — Халқ оғзаки ижодиёти. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.30 — Санъат гунчалари. 18.50 — Экономика тежамли бўлиши керак. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Мультфильм. 20.10 — Фирма, савдо, харидор. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — «Омад кулиб боққанда». Бадиий фильм.

18.00 — Тожикистон ССР телевидениесининг программаси

6 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.35 — Спортлото. 9.45 — Будильник. 10.15 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.15 — Здоровье. 12.00 Тонгги почта. 12.30 — Киножурнал. 12.40 — Қишлоқ янгиликлари. 13.40 — Музикали киоск. 14.10 — «Дур ва тилладан ҳам қиммат». Фильм-спектакль. 15.55 — Саёҳатчилар клуби. 16.55 — БАМ — менинг тақдирим. 18.10 — Хатларингиз асосида. 18.45 — Футбол шарҳи. 19.20 — Халқаро панорама. 20.05 — «Генерал Шубников корпуси». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.20 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг. 9.15 — Расмларда қуёш акси. 9.30 — Ритмик гимнастика. 10.00 — Рус тили. 10.30 — Телефильм. 11.00 — Концерт. 11.50 — Илмий-оммабоп фильм. 12.10 — Баскетбол. ЦСК — «Строитель». 12.50 — Концерт. 13.20 — Фильм-концерт. 13.55 — Баскетбол. «Жальгирис» — АСК(К) 14.35 — Концерт. 15.15 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 15.45 — «Омега» варианти». Бадиий фильм. 1-серия. 17.00 — Тўпли хоккей. «Зорький» — «Енисей». 17.45 Мўъжизасиз-мўъжизалар. 18.45 — Инсон — замон соҳиби 19.45 — Машҳур совет музикачилари. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Телефильм. 21.00 — Чанги спорти. Бутуниттифоқ мусобақалари. 21.30 — Время. 22.05 — «Интермеццо». Бадиий фильм. 23.20 — Баскетбол. «Жальгирис» — «Спартак» (Л).

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.25 — «Шимол қиссаси». Бадиий фильм. 11.45 — Эртак ҳақида ҳикоя. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Театр учрашувлари. 14.00 — Ўзбекистон спорти. 14.30 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 15.05 — Реклама. 18.05 — Бойчечак. 18.35 — Болалар учун кинокўрсатув. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концертнинг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — «Бетайин кишилар». Кинокомедия.

15.15 — **Қирғизистон ССР телевидениесининг программаси.**

РАДИО

5 ЯНВАРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Микрофон олдида — М. Дабоева ва Ғ. Ёқубов. 9.30 — Ёшлик. 10.15 — Гулшан. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Ишлаб чиқариш илғорлари, Сизлар учун. 14.00 — Якунлар ва истиқболлар. 17.00 — Ёшлар учун музикали соат. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Спорт эшиттириши. 19.25 — Ёшлик. 21.00 — Ҳозирги босқичда қишлоқ ҳаётидаги ҳаётий қураш. 21.10 — Оппоқ олам қўшиғи. 22.30 — Музикали драмалардан парчалар.

6 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.15 — Табассум. 11.30 — Концерт. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Ишлаб чиқариш илғорлари, Сизлар учун. 14.00 — Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоялар. 15.40 — Трибунал. Спектакль. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Дўстларимиз қўшиқлари. 19.25 — Ёшлик. 21.00 — Илмий-атеистик мавзуларда. 21.10 — Табассум. 23.30 — Ёшлик қўшиқлари.

Ўзбекистон давлат физкультура институти ректорати ва жамоатчилик ташкилотлари педагогика ва психология кафедраси мудири З. Ғ. Ғаппоровга отаси

Абдуғаппор РАШИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти коллективи инглиз тили ўқитувчиси

Хайрулла Ҳабибович ТУРСУНХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи редакциянинг бўлим мудири М. Муҳсимовга онаси

Ҳабиба МУҲСИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси ва телефонлар: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

А. 4.
Р. — 11006.

Индекс 64583.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12